СССР Давлат
Инв. № 8
10 АВГ 1983

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 183 (18.660). ● Чоршанба, 1983 йил 10 август ● Баҳоси 3 тийин.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ: ҚУННИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

БЕШ ЙИЛЛИККА ИШЛАМОҚДА

✦ ПОЧИНКИ (Горький области), 9 август. Ёқилғи-энергетика комплекси катта қурилиши — Уренгой-Помари-Ужгород газ қувури мамлакатнинг эҳтиёжлари учун ишлай бошлади. Ҳар куни ишлаб турган газ қувурларига боғловчи улагичлар орқали у саноат марказларининг ресурсларини кўп миллион кубметр ёқилғи билан тўлдирмоқда. 9 август куни Ғарбий Сибирь гази магистрал орқали Горький областига келди.

«Починки» компрессор станциясида шу воқеага бағишлаб ўтказилган митингда давлат комиссиясининг аъзолари ёқилғи артериясининг 140 километрли Горький участкаси жуда яхши баҳо билан саноат кўламида фойдаланишга қабул қилиб олинди, деб қурувчиларга маълум қилдилар.

Компрессор станциясининг қурувчилари трассачилар зарбдор сурати эстафетасини қабул қилиб олдилар. Улар «Починки» компрессор станциясининг мураккаб техник комплексини ҳам муддатидан анча ўзиб бунёд этамиз, деб ваъда бердилар. (ТАСС).

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

ВАЪДАГА ВАФО

✦ «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси коллективи номига СССР Газ саноати министрлигидан қувончли телеграмма келди.

Унда шундай дейилади: «Уренгой-Помари -Ужгород» экспорт газ қувури объектлари учун муҳим бўлган панелларни муддатидан илгари етказиб берганлигингиз учун раҳмат! Мамлакат ёқилғи-энергетика комплексининг ҳал қилувчи қисми — газ жўнатадиган системаларнинг ўз вақтида ва барвақт ишга туширилишини таъминлаш соҳасида биргаликдаги куч-ғайратимизнинг бундан буён ҳам авж олдирилишига қатъий аминмиз. Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги меҳнатингизга янгидан янги муваффақиятлар тилаймиз».

Чиндан ҳам «Средазэлектроаппарат» бирлашмасининг кўп кишилик меҳнатчилари ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Улар барча компрессор станциялари ва энергия ёрдамчи станциялари учун электр аппаратларини етказиб беришни планда белгиланган муддатдан анча илгари тугалладилар.

Беш йилликнинг учинчи йили бошида қабул қилинган мажбуриятга биноан барча электр шчитлари 1 сентябргача етказиб берилиши мўлжалланган эди. Электромашинасозларнинг ғайрат-шижоати ва фидокорона меҳнати фахрли буюртмаларни муддатидан олдин бажариш имконини берди.

Уренгой-Помари - Ужгород улкан газ қувури қурилишига 300 дан зиёд электр шкафи ва бошқариш панеллари жўнатилди. Қўлга киритилган зафарда бирлашма ҳамма цехлари ва заводлари ишчи-хизматчиларининг муносиб ҳиссаси бор. В. Елисеева ва Х. Ҳайитова бошчилик қилган бригадалар зарбдор меҳнат намунасини кўрсатдилар. Социалистик мусобақада В. Хаустов ва Р. Ошмасов етакчилигидаги йиғувчилар бригадалари ғолиб чиқишди.

ЖАНГОВАРЛИК РУҲИ

Партия ташкилотлари ҳаётида муҳим давр — ҳисобот-сайлов кампанияси бошланди. Бу йиғилишлар КПСС XXVI съезди қарорлари, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси ҳал қилувчи босқичга кўтарилган, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш, ҳар бир иш жойида пухта тартиб-интизомни таъминлаш борасида белгилаб берган режаларини муваффақиятли адо этиш учун сиёсий-ташкилотчилик ишлари кучайтириб юборилган бир пайтда ўтмоқда.

Партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотларида бошланаётган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йили планлари, СССР Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ҳар бир коммунистнинг ўрни, ўнинг ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётдаги активлиги хусусида чуқур фикр юритилиши табиий. Уларда фан-техникани жадал ривожлантириш, янги-янги илмий-техникавий ечимларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш асосида ускуналардан, қувватлардан тобора тўла фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисод ва тежамкорлик масалалари атрофлича таҳлил қилинади.

Тошкент трактор заводида партия группаларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари уюшқоқлик, коммунистларнинг ғоят активлигида ўтаяпти. Принципал танқид ва ўз-ўзини танқид руҳи бу йиғилишларда етакчи ўрин тутаётир. Меҳнат унумдорлигини ошириш, СССР Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажаришга тракторсозлар қўшадиган ҳиссани кўпайтириш йўллари белгилаб олинаётир. Умуман, пойтахт меҳнат коллективларида иш олиб бораётган 3100 дан ортиқ партия группаси, 2550 цех партия ташкилотининг аксариятида бу йиғилишлар пухта тайёргарлик билан қизғин бошланиб кетди.

Ҳисобот даврида Сурхондарёда партия қўйи бўғинининг структурасини такомиллаштириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилди. Алмашлаб экиш участкалари ташкил этилганлиги коммунистларни пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, унинг таннархини арзонлаштириш учун курашнинг энг муҳим участкаларига тўғри жойлаштириш имконини берди. Алмашлаб экиш участкалари цех партия ташкилотлари коммунистлар социалистик мусобақада байроқдор бўлишларини таъминлаб, барча меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий ва маънавий жиҳатдан тарбияламоқдалар, уларни ҳосилдорликни кўтариш, резервларни тўла ишга солишга тобора кўпроқ сафарбар этмоқдалар.

Шуни асло унутмаслик керакки, ҳисобот-сайловлар партия ташкилотлари ҳаётида алоҳида ўрин тутади, уларнинг келгусидаги бутун фаолияти самарадорлигини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Шу боисдан бу йиғилишларда коммунистларнинг авангардлиги, меҳнат коллективлари бутун ҳаётига партиявий таъсирни кучайтириш, ғоявий-сиёсий тарбия ишини КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми талаб қилганидек йўлга қўйишнинг туб масалалари партиявий принципиаллик билан чуқур, атрофлича муҳокама қилинмоғи керак. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов июнь Пленумидаги нутқида таъкидлаб кўрсатганидек, ички партиявий демократия ва партия ҳаётининг ленинча нормаларига оғишмай риоя қилиниши, йиғилишлар тайёрлаб қўйилган бир қолип асосида ўтказилишига асло йўл қўйилмай, балки уларда эркин, ошкора, манфаатдорлик туйғуси билан суғорилган рўй-рост муҳокама учун қулай вазият яратилиши, ташаббус ва айниқса, танқидни «силлиқлашлар»га йўл қўйилмаслиги даркор. Партия группаси, цех ва бошланғич партия ташкилоти фаолиятининг ҳамма жиҳатларини ўзаро талабчанлик ва принципиаллик билан чуқур таҳлил этмоқ, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми қарорлари, шу Пленумда ўртоқ Ю. В .Андропов сўзлаган нутқда баён этилган қонда ва хулосалар асосида меҳнатга онгли, коммунистик муносабатни тарбиялаш соҳасидаги ишларни атрофлича қараб чиқмоқ айниқса муҳим.

Кўпгина партия комитетларининг партия ташкилотчиларининг семинарларини, маслаҳат кенгашларини ўтказиб, ҳисобот-сайловга тайёргарлик кўриш, уни уюшқоқлик билан ўтказиш, бу йиғилишларда ташкилот фаолиятининг жанговарлигини оширишнинг туб масалалари ўртоқларча ошкора муҳокама қилинишни учун зарур маънавий-психологик муҳитни вужудга келтириш борасида олиб бораётган ишлари ибратлидир. Меҳнат коллективлари ҳаётига самарали таъсир кўрсатиб, хўжалик ва тарбиявий иш самарадорлигини ошириш учун курашда тўпланган ижобий тажрибани, ибратли иш усулларини пухта ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш даркор. Сиёсий-тарбиявий ишни, бутун идеология ишини ҳозирги ниҳоятда талабчан даражасига кўтаришда партия қўйи бўғинининг роли ғоят катта эканлигини асло унутмаслик керак. Бевосита одамлар орасида иш олиб бориб, улар замондошларимизнинг маънавий ва ахлоқий дунёсига, ҳаётий позициясига кун сайин таъсир кўрсатаётирлар. Шу боисдан партия йиғилишларида июнь Пленуми қарорларини изчил амалга ошириш, ҳар бир меҳнатчини онгли, коммунистик интизом, социалистик қонун-қоидаларни оғишмай адо этиш руҳида тарбиялаш ишининг аҳволи чуқур муҳокама қилинмоғи керак.

Саноат корхоналарида, қурилиш участкаларида, колхоз ва совхозларда совет кишилари фидокорона меҳнат қилиб, социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтариб, ўн биринчи беш йилликкинг ўзак йили планларини, юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун кун сайин қизғин меҳнат қилмоқдалар. Ўтаётган ҳисобот-сайлов йиғилишлари ана шу умумхалқ бунёдкорлик ишига янги куч-қудрат бағишлаши, ишчилар ва колхозчиларнинг ижодий ташаббус чашмаларини янада жўш урдириши шубҳасиз. Партия комитетлари мана шу сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳини, оммавий ватанпарварлик ҳаракатини янада авж олдиришлари, партия қўйи ташкилотлари жанговарлигини кучайтиришлари, ҳисобот-сайлов йиғилишларида қабул қилинган қарорлар оғишмай, изчил бажарилиши учун зарур чораларни кўришлари лозим.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИ ҲАМДА КОРХОНАЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕНЛАРИ ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

ЎЗБЕКИСТОН ССР БЎЙИЧА

Бухоро областидан

III даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан

Ваҳобова Фотима Бақоевна — Октябрь революциясининг ўн йиллиги номли Бухоро пиллакашлик фабрикаси пиллакаши

Наманган областидан

III даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан

Абдуллаева Мелихон Файзуллаевна — Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинати ип ўровчиси

Тошкент шаҳридан

III даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан

Молева Тамара Павловна — Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль 2 август 1983 йил.

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ



✦ Республикамизда ғерим агрегатларини мавсумга тайёрлаш бўйича эълон қилинган зарбдор ўн беш кунликкга биринчилар қаторида қўшилган Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз механизаторлари техника ремонтини тугаллаш арафасида турибдилар. Улар бу йил етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини агрегатлар ёрдамида териб бериш мажбуриятини олишган. Бу юксак мажбуриятни сўзсиз бажариш, мавсумда ҳар бир терим техникасининг узлуксиз, бенуқсон ишлашини таъминлаш мақсадида ремонт фақат аъло сифат билан бажарилмоқда. Шу кунгача мавжуд 120 та зангори кема старт чизиқларига келтириб қўйилди. Суратларда: 1. Илғор слесарлардан Жўра Мустафоев (чапда) билан Эргаш Чориевлар иш устида. 2. Старт чизиқларига қўйилган зангори кемалар.

Э. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

✦ ЧЕКАНКАНИ ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ҚИЛИБ ТУГАЛЛАНГ. ЧЕКАНКА ҚИЛИНМАГАН БИРОР ТУП ҒЎЗА ҚОЛМАСИН.

✦ БЕГОНА ЎТЛАРНИ БУТУНЛАЙ ЙЎҚОТИНГ. БУ БИЛАН ҲАМ ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ, ҲАМ «ЗАНГОРИ ҚЕМА»ЛАРНИНГ ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН ИШЛАШИГА ШАРОИТ ЯРАТАСИЗ.

✦ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ, АЙНИҚСА ЎРГИМЧАККАНА ВА КЎСАК ҚУРТИГА ҚАРШИ КУРАШНИ БУТУН ЧОРАЛАР БИЛАН КУЧАЙТИРИНГ. ҲОСИЛ НИШОНАЛАРИНИНГ НОБУД БЎЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ. ҒЎЗАЛАРНИ «ШАРБАТ» СУВИГА ҚОНДИРИНГ.

ЗАРБДОР ОЙ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ 610 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ЕТИШТИРИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

Шу кунларда областнинг унумдор пахта далаларида ҳаёт қайнамоқда. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, ёрдамчилар — ҳамма бир жон-бир тан бўлиб катта хирмон иштиёқида меҳнат қилмоқда. Қудратли техника воситалари, ички резервлар — хуллас, ҳамма нарса августни ҳақиқий ҳосилга ҳосил қўшиш ойига айлантириш манфаатларига хизмат қилдирилмоқда.

Йилнинг баҳор ва ёз фасллари бошқа областларда бўлгани сингари қашқадарёликлар учун ҳам анча мураккаб келди. Аввалига сув тақчиллиги юз берди. Кейинчалик эса ҳарорат 50 даражадан ҳам ошиб кетди. Узоқ муддат иссиқ шамол эсиб турди. Яна бошқа қатор табиий қийинчиликлар юз берди.

Область меҳнаткашлари партия ташкилотлари атрофига маҳкам жипслашган ҳолда бор имкониятларини юз берган табиий қийинчиликларни енгишга, «оқ олтин»дан юксак социалистик мажбуриятларини қоплайдиган даражада юқори ҳосил етиштиришга сафарбар этмоқдалар. Улар ҳалол меҳнатлари, техника қудрати билан табиий қийинчиликлар етказган зарарнинг ўрнини тўла қопладилар. Парвариш кучайтирилаётгани сабабли, шоналар гулга, гуллар кўсакка айлантирилмоқда. Ҳар 3—4 кунда битта тўқ кўсак ҳосил қилинмоқда.

Август, ҳосилга ҳосил қўшиш ойидир. Бугина эмас, шу ойда кўсаклар тўла етиштириб олинади. Қашқадарё шароитида ой охирига бориб кўсаклар очила бошлайди. Лекин бунинг шарти бор. Ой давомида ҳамма майдонларда камида икки марта, ҳосил нишоналари камроқ ва кеч-кироқ майдонларда табақалаб уч марта комплекс парвариш ўтказилиши керак. Сифатга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сабаби, юқори ҳарорат ўсимликнинг ҳолатини ўзгартириб юборди. У жуда сув талаб бўлиб қолди. Шундай экан, ғўзалар кеча-кундуз «шарбат» сувига қондирилмоғи, ер етилиши билан сифатли культивация ўтказилиб нам тўла сақлаб қолинмоғи даркор.

Қашқадарёлик пахтакорлар ҳосил тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда ажойиб ташаббуслар билан майдонга чиқмоқдалар. Шулардан биттасинигина мисолга келтирамиз.

Ҳар бир карта механизаторлар, сувчилар, химизаторларга бириктиб чиқилди. Агрономлар, механиклар улар билан ҳар бир картадаги ғўзаларнинг ҳолати ва ҳосил тўплашини назорат қилиб боришмоқда. Бегона ўтларни йўқотиш чораларини кўрадилар. Сув режимига риоя қилинишини таъминлайдилар. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига қарши оператив чоралар кўрадилар. Илғорлар тажрибасини кенг кўламда пропаганда қиладилар. Бундан кўзда тутилган мақсад ҳар туп ғўзада 15—16 та эрта очиладиган, юқори сорт пахта берадиган кўсаклар бунёдга келтиришдир.

Нишон районидаги Карл Маркс номли совхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳкамой Ҳазратқулова бошлиқ, Қамаши районидаги «Коммунизм» колхозининг СССР Олий Совети депутати Гулбаҳор Нуруллаева, Яккабоғ массивидан Машҳура Қаюмова, Шаҳрисабз массивидаги Туроп Бекмуродов, Китоб массивидан КПСС XXVI съезди делегати Гулсара Бобомуродова бошлиқ ва бошқа кўплаб бригадаларга қарашли майдонларда ҳар туп ғўзада 7—8 та тўқ кўсак бунёдга келтирилди.

Кўпчилиқ колхозлар ва совхозларда ҳам пахтадан кутилганча ҳосил етиштирилмоқда. Ульянов районидаги III Интернационал, «Партия XX съезди», «Қашқадарё» ва Дзержинский номли совхоз пахтакорлари ғўзаларни «шарбат» сувига қондирмоқдалар. Культивация, кетмон чопиғи, зараркунандаларга қарши курашни бир-бирига боғлаб ўтказмоқдалар. Бу борада Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхознинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Мастура Файзиева бошлиқ бригадасининг ишлари айниқса ибратлидир. Бригада аъзолари ҳар гектар ер ҳосилига 20—25 тонна органик ўғитларни «шарбат» усулида ғўза қатор ораларига оқизмоқдалар. Областнинг барча хўжаликлари, хусусан чўл зонасидаги совхозларда бу тадбир айниқса кўпроқ қўлланилмоқда ва яхши самара бермоқда.

Пахтакорлар ғўза парваришини йиғим-теримга тайёргарлик ишлари билан чамбарчас боғлаб олиб бормоқдалар. Ремонт устаханаларида «зангори кема»лар, трактор тележкалари ва йиғим-терим билан боғлиқ бўлган барча механизм-агрегатлар сифатли ремонтдан чиқарилмоқда, синовдан ўтказилиб линейкаларга чизиб қўйилмоқда. Механизаторлар сафи мустаҳкамланяпти ва кенгайтириляпти. Уларнинг малакасини ошириш чоралари кўрилаётир. Бу табиий ҳолдир. Сабаби, қашқадарёлик механизаторлар етиштирилган «оқ олтин»нинг катта қисмини машиналарда териб олишга қатъий аҳд қилганлар.

Лекин областнинг ҳамма районлари, колхоз ва совхозларида ҳам ғўза парваришининг талаблари даражасида ташкил этилаётир деб бўлмайди. Чироқчи, Ғузор ва Яккабоғ районларидаги айрим хўжаликларда ғўза парваришида сусткашликкга йўл қўйилмоқда. Бегона ўтлар тўла тугатилган эмас. Сувдан тадбиркорлик билан фойдаланилмаяпти, исрофгарчилик ҳоллари юз беряпти.

Область партия комитети эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан йўл қўйилган камчиликларни оператив тарзда бартараф этишга қаратилган чоралар кўрмоқда. Шу мақсадда ғўза парваришида зарбдор 40 кунлик эълон қилинди. Жасорат давом этмоқда.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧЕКАНКА ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПОП районидаги Жданов номли колхоз пахтаворларида ҳаёт қайнайди. Эрта тонгданоқ пахтазорларда тракторларнинг гуруллаши бошланади. Бу ерда фақат кундузлари эмас, тунлари ҳам мўл ҳосил учун кураш давом этяпти. Сувчилар шу кунларда ўсимликни чанқаб қолишига йўл қўймаслик, шона ва гуллар тўкилиб кетмаслиги ва ҳосил қилинган кўсаклар бўлиқ бўлиши учун курашишяпти.

Хўжалик далаларида ҳар куни 700 дан зиёд киши мардона меҳнат қилмоқда. Саксонга яқин сувчи экинга обиҳаёт тараяпти. 26 чопиқ трактори билан ғўзаларга ишлов бериляпти. Сувчидан тортиб механизаторгача ҳамма суръат ва сифат бирлигига эришаётир. Механизатор ва сувчилардан Сотимбой Ҳайдаров, Сотволди Обидов, Абдурасул Ҳошимов, Турғунбой Эшонқулов, Давлатали Турсунқулов ўртоқларнинг мўл ҳосил тўплашдаги меҳнатлари таҳсинга сазовордир.

Ғўза парваришида муҳим агротехника тадбири ҳисобланган чеканка ҳам уюшқоқлик билан давом этмоқда. Колхоз пахта майдонларининг ярмидан кўпи чеканкадан чиқарилди. Ўн биринчи беш йилликкинг учинчи йилида ҳар гектар ер ҳисобига 40—50 центнердан ҳосил етиштиришга бел боғлаган Тўқиннбой Рафиқалиев, Исоқжон Бойназаров, Турсуной Хайруллаева, Қулмамат Ортиқов бошлиқ бригадаларда ғўза чеканкаси ниҳоясига етказилди. Бу ишни амалга оширишда Пахтихол Худойназарова, Азизахон Воҳидова, Хурсандой Аҳмаджоновалар байроқдорлик қилишяпти.

— Ҳозиргача ғўза қатор ораларига етти марта комплекс ишлов бердик, ўсимликни тўрт марта озиқлантирдик ва талабига қараб сувга қондирдик, — дейди колхоз раиси Ғайратжон Мамадалиев. — Августни зарбдор ой деб эълон қилдик. Пахта йиғим-теримигача яна икки марта комплекс ишлов берамиз. Ривожи паст ғўзаларга «шарбат» оқизамиз. Хуллас 1060 гектар майдонда 5 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрамиз.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

Интизом — асосий мезон

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Звеномиз ёш шоликорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисидаги қарорини зўр кўтаринки руҳ билан ўқиб чиқдилар ва чин юракдан маъқулламоқдалар.

Ҳақиқатда онгли интизом ютуқларимиз гаровидир. Ҳар биримиз ўз участкамизда астойдил меҳнат қилсак, белгиланган планлар ва қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишига қўлимиздан келган ҳиссамизни қўшсак СССРнинг Озиқ-овқат программаси тезроқ амалга ошади, турмушимиз янада фаровон бўлади.

Совхозимиз шоликорлари бу йил 10 минг 500 тонна қирмизи дон етиштириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бизнинг звеномиз бўйича эса ҳосилдорликни гектар ҳисобига 100 центнерга етказишга қатъий аҳд қилганмиз ва бу маррани сўзсиз эгаллаймиз. Далаларимизда шоли парвариши қизғин давом эттирилмоқда. Айни кезда ўримйиғимга ҳам пухта тараддуд кўрмоқдамиз.

Ҳ. АБДУХОЛИҚОВА,
Чимбой районидаги 2-«Майёб» совхозининг шоликорлик звеноси бошлиғи.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

✦ Москва пахта тозалаш заводи (Андижон области) нотўқима материаллар цехининг учинчи навбати ишга туширилди.

Бу ерда 10 та агрегат ўрнатилди. Улар асосий ишлаб чиқариш чиқитларини — тола, линт қолдиқларини қайта ишлайди. СССР Енгил саноат министрлигининг Киевдаги ишга туширишсозлаш бошқармаси мутахассислари машина-ускуналарни ўрнатишда ҳамкасбларига ёрдам бердилар.

Келгуси йили лойиҳа қуввати ўзлаштирилгандан сўнг корхонада тола ва линт тойларини ўраш учун деярли 4 миллион квадрат метр нотўқима полотно ишлаб чиқарилади.

МЕТРОСОЗЛАРГА МУКОФОТ

Республика пойтахтининг метросозлари Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарликни меҳнатда муваффақиятларга эришиш билан нишонламоқдалар. Улар шу йилнинг биринчи ярми планини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажардилар. Фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланилганлиги туфайли ана шундай муваффақият қўлга киритилди. 1983 йил иккинчи кварталдаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра, «Ташметрострой» трестининг коллективи СССР Транспорт қурилиши министрлиги ва тармоқ касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

9 август куни ер ости магистрали қурувчиларига тантанали вазиятда Қизил байроқ топширилди.

ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети ва СССР Госснабининг кўчма Қизил байроғи «Ташметрострой» коллективига топширилди. Коллектив хом ашё, материаллар ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш Бутуниттифоқ жамоат кўригида юксак натижаларга эришганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлган эди.

(ЎзТАГ).

ҲОЗИРГИ ЗАМОН ПРОБЛЕМАЛАРИНИНГ РЕАЛИСТИК АНАЛИЗИ

Ю. В. Андропов нутқлари, мақолалари ва суҳбатлари тўплами венгер тилида

БУДАПЕШТ, (ТАСС). «Кошут» сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг «Тинчлик учун, социализм учун» сарлавҳали нутқлари, мақолалари ва суҳбатлари тўпламини венгер тилида босмадан чиқарди.

Тўпламда, деб таъкидлайди ВСИПнинг марказий органи «Непсабадшаг» газетаси, Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг, бутун инсониятнинг диққат марказида турган проблемалар ҳар томонлама ёритилади. Аввало, тинчликни сақлаб қолиш, халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш, халқлар фаровонлигини ошириш ана шу проблемалар жумласидандир. Китобга киритилган материаллар сермазмун ва равшан бўлиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган, проблемалар амалий тарзда ва конкрет анализ қилинган. Тинчликни таъминлаш вазифаси ҳукуматлар ва ҳукмрон синфларнинггина иши бўлиб қолмай, шу билан бирга бутун инсониятнинг ҳам иши бўлиб қолиши керак, деган фикр барча нутқлар ва мақолаларга хос хусусиятдир. Қуролланиш пойгаси эмас, балки тинч бунёдкорлик меҳнати халқларнинг ишончли келажагини гарантиялайди.

Ю. В. Андроповнинг нутқлари, мақолалари ва суҳбатларида, деб уқтиради газета, комил ишонч ва осойишталик сезилиб турибди, айни вақтда улар хатоларга нисбатан муросасизлик, камчиликларни бартараф этишга ва мавжуд резервларни қидириб топишга интилиш руҳи билан суғорилгандир. Совет раҳбарининг нутқлари ва мақолаларида хўжалик қурилиши масалаларига катта эътибор берилган. Тўпламда СССР халқ хўжалигининг жўшқин ривожланиши ва унинг истиқболлари кўрсатилган, ҳозирги замон проблемалари реалистик таҳлил қилинган, қийинчиликлар ҳамда уларнинг объектив ва субъектив сабаблари очиб кўрсатилган. Пировардида «Непсабадшаг» газетаси қуйидагиларни ёзади: Ю. В. Андропов нутқлари, мақолалари ва суҳбатлари тўплами, проблемаларни ҳал этишнинг унда олға сурилган методлари, назарий ва амалий хулосалар социализм қураётган мамлакатларга ва ижтимоий тараққиёт барча кучларига муҳим ёрдам беради.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМСОМОЛГА РАҲБАРЛИК

МУНОСИБЛАР

«Бугунги кунда мамлакатнинг бутун тарихи мобайнида энг ўқимишли, профессионал жиҳатдан энг кўп тайёргарлик кўрган ёш авлод мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Бу авлод социализм шароитида, фаровонлик муттасил юксалиб борган тинчлик шароитида ўсиб етишди. Коммунистик идеалларга, революцион анъаналарга содиқ бўлган ёшлар беш йилликнинг олдинги марраларида меҳнат қилмоқдалар. Тузумимизнинг келажаги ишончли қўлларидадир». КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми минбаридан айтилган ана шу фикрларни қайта-қайта ўқир эканман, кўз олдимдан бенхтиёр районимиз ёшларининг ажойиб сиймолари ўта бошлайди. Улар район коммунистларининг муносиб ўринбосарлари сифатида актив жамоатчилик фаолиятини кўрсатиб, ўн биринчи беш йилликнинг юксак марраларни эгалланишига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган бюросида комсомол аъзоси Очил Жўраевни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилдик. Ёш пахтакор йигитнинг делоси билан танишиб, ўзи билан бўлган суҳбат ҳамда савол-жавоблардан бир мен эмас. райкомнинг барча аъзолари қониқиш ҳосил қилдилар.

Очил Жўраев ҳам ёш, аммо шунга қарамасдан районимиздаги йирик хўжалик — Пушкин номли совхознинг ҳурматли кишиларидан бири. У ўн йилдан бери пахтачилик соҳасида ишлаб келади, олий маълумотли мутахассис. Унинг ташкилотчилик қобилиятини, деҳқончилик соҳасидаги маҳоратини сезган совхоз маъмурияти, партия ҳамда комсомол ташкилотлари ёш мутахассисни дадиллик билан 6-бўлим бошқарувчилигига тайинлашга қарор қилдилар. Очил Жўраев ана шу оғир участкада ўзига нисбатан билдирилган катта ишончни шараф билан оқлади, айни пайтда чин меҳнат қўйнида чиниқди. Кейинчалик хўжаликда оғир участка ҳисобланган 8-бўлимни оёққа турғазишда ҳал қилувчи роль ўйнади. Пахта ҳосилдорлиги 32 центнерга кўтарилиб, бошқа тармоқларда ҳам олға томон силжиш рўй берди.

Бу ўринда Пушкин номли совхоз комсомол ташкилотининг ёшларни тарбиялаш, чинакам яратувчилик меҳнати қўйнида вояга етказиш борасидаги ишлари диққатга сазоворлигини таъкидламоқ керак. Ҳозир совхозда жами 400 нафар ВЛКСМ аъзоси бўлса, шулардан 350 нафари бевосита ишлаб чиқаришда фаол қатнашаётганлиги характерлидир. Сўнгги икки йил мобайнида хўжалик комсомол ташкилотининг ташаббуси билан 137 нафар йигит-қиз механизаторлик касбини эгаллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида коллектив пудратини жорий этиш тўғрисидаги қарори асосида бу йил районимизда 50 та комсомол-ёшлар коллективи бригада пудрати асосида ишламоқда. Янгича усул билан ишлашга биринчилардан бўлиб кўчган ташаббускор коллективлардан Пушкин номли совхоздан Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Толиб Жўраев, Руцкий номли совхоздан Парда Насимов, «Боёвут» совхоз-техникумидан Бердимурод Тўлиев, «Ленинизм» колхозидан Йўлдош Шодмонқуловлар бошлиқ комсомол-ёшлар бригадалари ҳар гектар ердан 45—50 центнердан пахта ҳосили етиштиришга аҳд қилдилар.

Партия XXVI съездида чорвачилик бугунги кунда қишлоқда зарбдор фронтдир, деб алоҳида қайд қилинди. Партиянинг бу кўрсатмасига амалий иш билан жавоб бераётган йигит-қизларимиз жамоат чорвачилигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Айни кунларда бу соҳада 7 та комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилиб, гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Чорвачиликда ишлаш учун комсомол йўлланмаси билан келаётганлар сафи ортиб бораётир. Уларнинг аксарияти ўз ота-оналари ишининг муносиб давомчиларидир.

Ўтган йили райондаги Энгельс номли 29-ўрта мактаб битирувчилари ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси яқдил бўлиб совхозда қолиб чорвачилик фермасида ишлаш истагини билдирдилар. Ана шу ватанпарварлар издошлари бўлган комсомол-ёшлар бугунги кунда чорвачиликни ривожлантиришда ғайраттшижоат кўрсатмоқдалар.

Партиянинг резерви ҳисобланган комсомол «Ленинчасига, коммунистчасига ўқиймиз, ишлаймиз ва курашамиз!» деган, даъватни амалий ишларга айлантирмоқда. Кейинги уч йил мобайнида районимизда КПСС сафига қабул қилинган кишиларнинг 73,6 проценти Ленин комсомолининг аъзолари эканлиги ҳам тасодифий эмас. Айни вақтда комсомол кадрлари орасида партия қатлами мустаҳкамланмоқда. Юксак малакали, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган 36 ёш коммунист комсомол ташкилотларига етакчилик қилмоқда. Ҳозир район партия ташкилоти ҳисобида 30 ёшгача бўлган коммунистлар 470 кишига етди.

Район партия комитети ёшлар ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма жиҳатларига зўр эътибор билан қараётир. Ўқиш, меҳнат, ғоявий тарбия, турмуш — бу масалаларнинг бирортаси ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Район партия комитетининг пленуми ва бюро мажлисларида комсомолга раҳбарлик бот-бот муҳокама қилиб турилмоқда.

Районимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларидан ҳамда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андроповнинг ҳар икки Пленумда сўзлаган нутқларидан келиб чиқадиган хулосалар ва йўл-йўриқларни ўзларининг жанговар программалари деб қабул қилиб, 1983 йил учун зиммаларига юксак мажбурият олганлар. 63 минг тонна пахта, 22 минг 500 тонна дон, 2 минг 900 тонна сабзавот, салкам 8 минг тонна сут ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилиши лозим. Район партия комитети мўл ҳосил учун курашда комсомол аъзоларининг фаол иштирокини таъминлашга эришмоқда. Район комсомол ташкилотлари пахтачиликни комплекс механизациялаш билан яқиндан шуғулланмоқда. «Қишлоқда яшайсанми, техникани эгалла!», ҳаракати кенг оммалашиб бораётир.

Район партия ташкилоти комсомол ташкилотлари ва ВЛКСМ аъзолари фаолиятига муносиб баҳо бериш билан бирга комсомол ташкилотлари ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмоқда. Айрим ёшлар маълумотли, ҳамма нарсадан хабардор бўлганлари ҳолда баъзан сиёсий жиҳатдан гўллик қилиш, профессионал тайёргарликлари бўлгани ҳолда меҳнатга етарли даражада масъулият билан қарамаслик ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Тўғри, район комсомол ташкилоти тарбиявий ишга комплекс ёндашиш соҳасида муайян тажриба тўплаган. Ёшларнинг турли категориялари билан ишлаш формалари ва методларини такомиллаштиришга ижодий муносабатда бўлинмоқда, илмий дунёқарашни шакллантириш юзасидан планли ва собитқадам иш олиб борилмоқда, пропагандист кадрлар тайёрлашга эътибор кучайтирилмоқда. Аммо бу комсомол ташкилотлари фаолиятида камчилик ва нуқсонлар йўқ деган фикрга олиб бормаслиги керак. Айрим бошланғич комсомол ташкилотларида ҳамон ғоявий-ахлоқий тарбия расмий характерда бўлиб, сиёсий ўқув пухта ўтказилмаётир.

Кейинги вақтда район партия комитетининг бюро мажлисларида комсомол ташкилотларининг фаолиятига оид масала икки марта муҳокама қилинди. Бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ҳам комсомол ҳаёти тез-тез кўриб турилади. Уларда комсомолга партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, раҳбарлик услуби ва методларини янада яхшилаш ҳақида жиддий гаплашиб олинмоқда. Комсомол йиғилишларида қатнашаётган коммунистларнинг савияси юксак, актив жамоатчи, ҳаётда кўпни кўрган кишилар бўлишига эътибор бермоқдамиз. Улар яхши маслаҳатлари ва конкрет ишлари билан ёшлар ўртасидаги тарбиявий ишни яхшилашга самарали таъсир кўрсатмоқдалар. Комсомол кадрлари орасида комсомол ташкилотлари жанговарлигини оширишнинг ҳаёт синовидан ўтган самарали усулларидан бири партиявий қатламни мустаҳкамлашга эътибор кучайтирилмоқда.

А. ТУРДИҚУЛОВ,
Боёвут район партия комитетининг биринчи секретари.



ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

Чувашистон АССР. «Спецгидроэнергомонтаж»нинг Волжск бошқармаси монтажчилари Чебоксар ГЭСининг 9-гидроагрегатини ишга тушириш арафасида турибдилар. Беш йиллик охиригача бу ерда барча агрегатлар ишга туширилади ва ГЭСнинг қуввати 1,4 миллион киловаттга етади. Суратда: 9-турбинани ўрнатиш пайти. ТАСС фотоси.

В. И. ЗОҲИДОВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЛАШТИРИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг собиқ директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Воҳид Йўлдошевич Зоҳидовнинг республикада фан, адабиёт ва санъатни ривожлантириш соҳасидаги катта хизматларини ҳисобга олиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Тошкент шаҳридаги бир кўча ва бир мактабни В. И. Зоҳидов номига қўйишга, унинг қабрига бюст ўрнатишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари~ҳаётга!

МАҲАЛЛАДА ГАП КЎП

Маҳаллий Советларнинг жуда кўп қиррали оммавий ташкилий ишларида аҳолининг ташаббускор жамоат органлари, шу жумладан, шаҳар ва қишлоқларда, посёлкаларда тузилган маҳалла комитетлари катта роль ўйнайди.

Маҳалла комитетлари тўғрисидаги Низомда «Маҳалла комитетлари меҳнаткашларнинг ташаббускорлигини кенг ривожлантириш ва ёрдам берадилар, территорияни ободонлаштириш, уй-жой ва коммунал хўжалигини сақлаш ва фойдаланиш ҳамда уни яхшилашда, санитария тадбирларини амалга оширишда, маданий-оқартув ишларини олиб боришда, шунингдек жамоат тартибини мустаҳкамлашда аҳолининг актив иштирокини уюштирадилар» деб ёзиб қўйилган.

Урганч шаҳрида 19 та маҳалла ташкил этилган бўлиб, ана шулардан бири бизнинг П. И. Сизов номли маҳалламиздир. Маҳалламиз территориясида 400 хонадонда 3300 киши истиқомат қилади. С. Раҳимов номли ўрта мактаб ҳам бор.

Биз маҳалла комитетлари тўғрисидаги Низомда белгилаб қўйилган вазифаларни бажариш учун меҳнаткашларнинг ўзларини жалб этмоқдамиз. Комитетимизга 11 аъзо сайланган бўлиб, уларнинг ҳар бирига маълум ишлар ва кўчалар бириктириб қўйилган. Комитет ҳузурида 7 та комиссия ва секция, жумладан, оқсоқоллар кенгаши, хотин-қизлар совети, ободончилик ва санитария ишлари бўйича кенгаш, болаларни мактабдан ташқари тарбиялаш бўйича, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича кенгашлар мавжуд.

Маҳалла комитетининг фаолияти олдиндан тузиб тасдиқланган план асосида олиб борилади. Бу ишларни бажаришда кенг жамоатчиликка, асосан маҳалла территориясида яшовчи коммунистлар ва комсомолларга таянилади.

Маҳалла комитети жамоатчилик ёрдамида катта ишларни амалга оширмоқда. Кейинги икки йил ичида 16 кўчага асфальт ётқизилди. Маҳалламизда суратга олиш устахонаси, сартарошхона, мева ва сабзавот дўконлари ишга туширилди. Сизов кўчасидан катта ариқ чиқарилиб, 16 та кўчада йўл четларига ўтқазилган дарахтларга сув борадиган қилинди. Эндиликда маҳалламиз Урганчдаги энг обод, мевазор, дарахтзор маҳаллага айланди.

Маҳалламиз территориясида ҳозир 80 пенсионер истиқомат қилмоқда. Уруш ва меҳнат ветеранларидан оқсоқоллар кенгаши ташкил этилди. Бу кенгаш ёш авлодни тарбиялаш, эскилик сарқитларига қарши курашиш, янги маросимларни турмушга жорий этиш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини олиб боряпти.

Оқсоқоллар кенгаши маҳалла активлари билан ҳамкорликда совет кишиларининг маънавий-сиёсий фазилатларини очиб берадиган, маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга, аҳолининг жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда.

Маҳалла комитети ва унинг активлари олиб бораётган тарбиявий ишлар натижасида эски урф-одатлар барҳам топмоқда. Чунончи, рўмол йиртиш, сочқи сочиш, ҳадми, даврона, дарвишона, исқати каби замонамиз талабларига жавоб бермайдиган эски урф-одатлар барҳам топди. Биргина фактни келтириб ўтаман. «Дарвишона» деб аталмиш маросим ҳар йили март ойида ўтказилар, унда камида 300 та хонадон қатнашар эди. Қарияларнинг умумий мажлисида ана шу маросимни ўтказиш тарафдорларига шундай савол бердик. «дарвишона» деган сўзнинг маъноси нима? Бунга ҳеч ким жавоб қайтара олмади. Сўнг биз «дарвишона» очлар учун овқат тайёрлаш деган мазмунни билдиришини тушунтирдик. Шундан сўнг ҳатто кексалар ҳам дарвишона ўтказишда қатнашмай қўйишди. «Даврона» деб аталган маросим ҳам шу тариқа барҳам топди. Уларнинг ўрнига янги маросимлар, умумхалқ байрамлари тантаналари ўтказилмоқда. Чунончи, меҳнаткаш инсонни улуғловчи баҳор байрами — Наврўз кенг нишонланмоқда.

Маҳалламизда Наврўз байрами ҳар йили бирор воқеага бағишланади. Чунончи, ўтган йилги Наврўз СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган бўлса, бу йилги Наврўз Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланди. Меҳнаткашлар никоҳ тўйларини худди шу Наврўз байрами куни ўтказишга интилмоқдалар.

Маҳалла аҳолисининг деярли ярми ёки 1550 киши болалардир. Шуни ҳисобга олиб маҳалла комитети Собир Раҳимов номли мактаб педагогик коллективи билан бирга катта тарбиявий ишларни олиб бормоқда. Мактабнинг дирекцияси, отаоналар комитети билан ҳамкорликда мактабдан ташқари ишлар олиб борилади. Аввало шуни айтиш керакки, биз болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига, уларнинг меҳнат тарбиясига жиддий эътибор берамиз. Улар маҳалла комитети томонидан ташкил этилган ободончилик ишларида, шанбалик ва якшанбаликларда актив қатнашадилар. Маҳалла аҳолиси ва ўқувчилар кучи билан мактаб олдида мевазор боғ барпо қилинди, спорт майдончаси ташкил этилди ва жиҳозланди.

Тарбиявий ишларда маҳалла жуда катта кучдир. Оқсоқоллар талабларини бажармаган шахсларга нисбатан тарбиявий чораларни кўрмоқдамиз, масалан ароқхўрлар, тартиббузарлар тўйга таклиф қилинмайди. Бу эса уларга жуда қаттиқ таъсир кўрсатади.

Биз дўстлик, ҳамкорлик каби фазилатларни тарбиялашга жиддий эътибор берямиз. Бир мисол келтириб ўтаман. Гоголь кўчасида истиқомат қилувчи Эркабой деган ишчининг эндигина қуриб битказган уйи ёнғин чиқиб, бутунлай қуйиб кетди. Албатта, унга давлат катта ёрдам кўрсатди. Лекин маҳалла аҳли ҳам қараб турмади. Уй-рўзғор буюмлари, Эркабойнинг саккиз фарзанди учун кийим-кечак, икки минг сўм ёрдам пули тўпланди. Шаҳар Советининг, қариндош-уруғларнинг, маҳалланинг актив ёрдами билан Эркабой қисқа вақт ичида уйли-жойли бўлди.

Аҳолининг яшаш жойида тарбиявий ишларни олиб бориш асосан маҳалла комитетларининг активлигига боғлиқ. Биз маҳалла территориясида яшовчи ишчилар, зиёлилар кучи билан лекция ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ташкил қилмоқдамиз. Маҳалла комитетининг фаолияти туфайли партия ва совет ташкилотларига арз билан борувчилар сони камайди. Эндиликда биз маҳалламизда жиноятчиликни бутунлай тугатишни асосий вазифа қилиб қўйганмиз. Шаҳар Совети ижроия комитети бу ишларни бажаришда бизга амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Э. ИСКАНДАРОВ,
Урганч шаҳридаги темир йўл касалхонасининг бош врачи, П. И. Сизов номли маҳалла комитетининг раиси.

СЕНИНГ ЁРДАМИНГ КЕРАК

МАЪНАВИЯТ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

— Мамажон — Лочиннинг ўғли, — дейишади у ҳақда Фарғона водийсида. Бу кишининг узоқ меҳнат йўлидаги парвози ниҳоятда юксак ва шижоатли. Мен у ҳақда «Агар Мамажон Лочиноннинг лочин бокиши бирон бир тақир тоғ қоясига тушса, ўша ерда боғ-роғлар пайдо бўлди, деб ҳисоблайверинг» — деб айтганларини эшитганман. Мамажон туғилиб ўсган Машхат қишлоғи атрофини худди туя ўркачлари сингари сап-сариқ баландликлар, қуёш тафтида жизғанак бўлган тепаликлар ўраб олган... Уларни нима қилса бўлади? Лочинов бошчилик қилаётган меҳнатсевар кишиларнинг моҳир қўллари уларни бирин-кетин забт этди.

Алишер Навоий номли колхознинг машҳур бригадаси етакчиси саксондан ошиб қолди. У 1944 йилдан бери Коммунистик партия сафида, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Иккита Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори. Бугунги кунда унинг бригадасига ўғли Маъруфжон раҳбарлик қилмоқда. Мамажон отанинг ўзи эса қарилик гаштини сурмоқда. Колхознинг фахрий аъзоси сифатида оқсоқоллар кенгашига бошчилик қиляпти.

Яқинда мен у билан учрашиш шарафига муяссар бўлдим. Суҳбатлашдик. Суҳбатимиз ҳар бир кишининг ҳаётий позицияси, қадр-қиммати, ғамхўрлиги ҳақида борди. Муҳтарам инсоннинг қуйида эълон қилинаётган суҳбати шу ҳақдадир.

Й. МУҚИМОВ,
(«Правда» мухбири).
Ўзбекистон ССР.

Бобомни яхши эслайман. У биз болаларга қадимий ривоятларни неча марталаб айтиб берар, яхшиликка муҳаббат билан қараш ва ёмонликка нафрат билан муносабатда бўлишни ўргатарди. Кунлардан бир кун шундай деганди: «Қароқчига дуч келиш жуда хавфли. Шундай эмасми, бўталарим? Нима учун? У талаши, шип-шийдон қилиб кетиши мумкин. Аммо ҳаётда бевафо дўстга йўлиқишдан ёмони йўқ. У сенга хиёнат қилиши мумкин. Аммо бундан ҳам хавфлиси бор. У лоқайд одамдир. Бундай одам кишининг ўтда ёнаётганини, сувда чўкаётганини кўрса-да, ёрдамга келмайди. Кишини ўлдираётганларни кўрса ҳам парво қилмай ўтиб кетаверади».

Биз унинг ўгитларини тинглар эканмиз, баъзан этларимиз жимирлашиб кетарди. Бобом эса кулиб қўярди-да, сўнг бу ёруғ дунёда яхши одамлар кўп, шунинг учун хафа бўлишга ўрин йўқ, дерди.

Бу ҳақиқат. Ҳаётимиз олға боргани сари сезгир, ғамхўр одамлар кўпайиб боради. Яхши иш эсда қолади. Сени ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб беришга даъват қилади.

Бунга анча бўлди. Эсимда, бир қоп буғдойни эшакка юклаб борардим. Эшак қоқилиб, қоп йўлга ағдарилиб тушди. Бир ўзимнинг қопни яна эшакка ортишга кучим етмасди. Йўл четида турибману, ҳозир кимдир келади-да, отидан тушиб менга ёрдамлашади, деб ўйлардим. Битта чавандоз ёнимдан индамай ўтиб кетди. Бошқаси ҳам шундай қилди. Икки соат ўтибдики, ёрдамдан дарак йўқ. Йиғламоқдан бери бўлдим. Шунақа пайтда каллангда ҳар хил ёмон хаёллар ғужғон ўйнаркан: яхши одамлар йўқ, ҳеч кимнинг сен билан иши йўқ, Мамажон! Бирдан кўзим газик машинасига тушди. У ҳозиргиларга асло ўхшамайди. Ўттизинчи йиллардаги эски маркадаги газик эди. Райкомнинг машинаси, ўйладим мен, тўхтамай ўтиб кетади. Негаки секретарнинг ишлари кўп. Йўқ, тўхтади. Машинадан сочлари оқара бошлаган баланд бўйли киши тушди. Мен билан сўрашиб, лаънати қопни эшакка юклашда ёрдам берди.

Бир қарашда бу гап майда нарсага ўхшайди. Аммо ўшандан бери агар сенинг ёрдаминг бировга керак бўлса — ёрдам бер, деган шиор мен учун қонун бўлиб қолди. Орадан бир йил ўтгач мен райкомнинг оқ сочли ходимидан олган яхшилигимга жавоб бердим. Бизнинг бригадамиз Юмалоқ тепани ўзлаштирарди. Маълумки, у пайтларда ҳақиқий маънодаги йўл йўқ эди. Кўза кўтариб сувга кетган ўғлим ҳаллослаб орқасига югуриб қайтиб келди. У сўгорилаётган дала ёнида машинани ботқоқ ичидан икки киши ҳеч чиқара олмаётганликларини энтикиб-энтикиб гапириб берди. Ўртоқларимга, уларга ёрдам бериш керакмиди, дегандай мурожаат қилдим. Уч кишини ажратишди. Биз харсанг тошлар йиғиб, ғилдирак тагларига шох-шаббаларни ташладик. Натижада машина қуруқ ерга чиқиб олди. Бундан кўмак берганлар ҳам, ёрдам олганлар ҳам ниҳоятда хурсанд бўлишди.

Мен деможчиманки, гап сен нима қилдинг, катта ёрдам бердингми, кичик ёрдам бердингми, бунда эмас. Муҳими бошқа нарсада. Лоқайд бўлмаслик керак.

Албатта, бу ўринда кенг кўламдаги катта ишлар тўғрисида ҳикоя қилиш мумкин. Масалан, завод ёки колхоз бригадири ўзини қолоқ бригадага юборишларини илтимос қилгани, ўша қолоқларни илғорлар сафига олиб чиқишга интилгани тўғрисида ҳикоя қилиш ҳам мумкин. Ёки жамоатчилик, партия ва совет органлари босар-тусарини билмай қолган, шахсий манфаатини жамият манфаатларидан устун қўя бошлаган кишиларга ўз вақтида ёрдам берганликлари тўғрисида ҳам сўз очиш мумкин эди.

Бу хилдаги мисоллар ҳар биримизнинг хотирамизда кўплаб сақланади. Яширишнинг нима кераги бор. Бундай мисоллар онда-сонда учраса-да, аммо бор.

Бизнинг Наманганда колхоз раиси Икромов деган бўларди. Эҳтимол эшитгандирсиз? Ўшанда кўнгилсиз бир иш бўлган эди. Лекин бу воқеанинг олдини олиш, кўнгилсизликка чек қўйишга имкон бор эди. Бутун республикага «Ленинград» колхози ва унинг раисининг шуҳрати таралган эди. Икромовга ҳурмат ва эътибор кўрсатишди, ҳаммани ундан ибрат олишга чақиришди. Оқибатда унинг боши айланиб, мақтовлардан эсанкираб, мағрурлана бошлади. Колхознинг барча муваффақиятлари мен туфайли, деб ён-атрофидаги кишиларнинг фикрлари билан ҳисоблашмай қўйди. Одамларга нисбатан қўпол муомалада бўла бошлади. Хўш, сиз ўйлайсизки, буларнинг ҳаммасини район, область раҳбар доиралари кўришмасмиди? Бутун гап ана шунда-да. Кўришарди. Аммо ҳеч қандай ёмонлик рўй бераётгани йўқ, дегандай кўзини чирт юмиб ўтиб кетаверишарди. Шу туфайли Икромов ҳурмат-эътиборда, иззат-икромда юраверди. Бундай пайтларда юз берадиган воқеа юз берди: одамлар ундан юз ўгиришди.

Мансабдор шахслар қиладиган жиноятлар, хатолар, нуқсонларга бефарқ қараш, ҳамма нарсани кечиб кетавериш позицияси албатта хунук оқибатларга олиб келади.

Инсон халқ бахт-саодати учун меҳнат қилса, ўз қадамини даврр одимлари билан ҳамоҳанг ташласа, ўз ишларини тор шахсий манфаатларига қурбон қилмай, коллектив, жамият манфаатлари билан узвий боғласа, бунёдкорлик ақл-идрокига эга бўлса у тўлақонли ҳаёт кечиради. Агар у худбинлик, ёмон одатлар асоратига тушиб қолса у ҳолда, чор атрофидагиларнинг ишончи ва ҳурмат-эътиборидан маҳрум бўлади. Ҳасадгўйликни олинг. Агар бу нарса ҳамманинг ҳурмат-эътиборини қозонган кишиларга ўхшашга интилиш туфайли юзага келган бўлса, яхши ишлар қилса, бу нарса кишини юксакликларга кўтаради, унинг ҳаётини янада мазмундор ва саботли қилади. Аммо ҳасадгўйлик эса бутунлай бошқа нарса. У қалбни кемиради, кишини ёмон ишларга бошлайди. Мен узоқ умр кўрдим ва шуни яхши биламанки, кўпгина ҳолларда ҳасадгўй одамларнинг иши ҳеч қачон ўнгидан келган эмас. Хўш, нима учун, деб сўрашингиз мумкин. Чунки, улар шошқалоқлик қиладилар. Бошқаларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишда қўполликка йўл қўядилар. Ўйламай қадам босадилар. Натижада бу нарса кўнгилсиз воқеаларга, аксарият ҳолларда ёмон оқибатларга олиб келади. Яна бир нарса бор. Агар диққат билан қарасангиз ҳасадчи кишилар совуққонлик билан ишлайдилар. Бундай одам шижоат билан меҳнат қилаётган, янада яхшироқ натижаларга эришишга ҳаракат қилаётган кишиларни ёқтирмайди, ҳатто кўролмайди. Баъзан шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ҳасадгўй бундай одамларга халақит беришга, оёғидан чалишга интилади. Яхши ва олижаноб ишларни қоралаб, юмалоқ хатлар ёзади, ҳар хил миш-мишларни тарқатади.

Яқинда Қува районида бир гуруҳ миш-мишчилар фош қилинди. Республикада ҳамма бу районнинг дадил одимлар билан олға бораётганлигини яхши билади. Метинсимон тоғ ён бағирлари ҳам унумдор майдонларга айланди. Ўнғайсиз жойлар ўзлаштирилиб кенг анорзорлар барпо қилинди. Бу ҳақиқий қаҳрамонликдир. Мен ўз тажрибамдан метинсимон тоғ ён бағирлари инсон изига бўйсуниши учун нақадар кўп куч-ғайрат сарфланиши зарурлигини яхши биламан. Бу ерда бир неча йил муқаддам вужудга келган «Анор» совхози ҳар йили шаҳарликларга ўнлаб тонна она заминнинг шифобахш неъматини жўнатмоқда. Тап-тақир адирларда республикадаги энг йирик чорвачилик комплекси қад кўтариб, у кўплаб гўшт ва сут етиштирмоқда. Пахта экадиган Қува райони яқин-яқинларгача чорвачилик маҳсулотларига катта эҳтиёж сезар, уларни мамлакатнинг бошқа районларидан келтирар эди. Эндиликда эса қуваликлар фақат ўзларини гўшт ва сут билан таъминлаб қолмай, қўшниларга ҳам жўнатмоқдалар.

Район маркази чеккасида яна битта адир бор эди. Уни ҳам тугатишга қарор қилдилар. Адирни текислаб, ҳашар йўли билан мебель фабрикаси қурдилар. Бу ишга киришаётганларида, гир атрофимизда янги посёлкалар пайдо бўлмоқда, одамлар яхшигина даромад олмоқдалар, шундай экан бизнинг квартираларимиз қулай ва шинам мебеллар билан жиҳозлансин, деб фикрлашган эдилар.

Қуваликларнинг муваффақиятлари қандайдир туҳматчининг кўнглига ўтирмади. Турли идораларга қараб қора бўёқ билан чапланган юмалоқ хатлар уча бошладди. Улар районнинг синалган етакчиларига, коммунистларига — яхши ишларнинг ташаббускорларига қарши ёзилган эди. Хўш, буларни ким ёзган? Уни Худойберганов деган шахс ёзган эди. У ўзини Улуғ Ватан уруши ветерани деб кўрсатарди. Бироқ, яхшилаб текширилганда унинг ҳеч қандай уруш қатнашчиси эмаслиги аниқланди. У уруш инвалидининг дафтарчасини ўзлаштириб олиб, ўз номига ўтказган, ўн йил мобайнида ҳеч қаерда ишламай келган. Ўзи ҳеч қандай иш билан шуғулланмас, одамлар учун фаровонлик яратаётганларни кўролмасди.

Сиз эҳтимол, Ўзбекистонда мана ўн беш йилдирки, қишлоқда турмуш маданиятини ошириш учун олижаноб ҳаракат кенг кўламда ривожланаётганини эшитгандирсиз. Бу ҳаракатнинг мақсади битта. Эски, яшаш учун ноқулай бўлган қишлоқларни тугатиш ва улар ўрнида шу кун талабларига жавоб берувчи замонавий посёлкаларни тиклашдан иборат.

Поп райони деҳқонлари биринчилар қаторида дараларда, тоғ қоялари этакларида қисилиб қолган қишлоқларни бошқа жойларга кўчиришга киришдилар. Шу йўл билан бугунги шаҳарларимиз қиёфасидан ҳеч қолишмайдиган гўзал посёлкалар бунёд бўлди. Уларга пахтакорлар, чорвадорлар оилалари кўчиб кирди. Кишилар қувонишар, ўз меҳнатлари самарасидан фахрланишарди. Айни пайтда область марказига, республика пойтахтига эски гувала қишлоқлар «тақдири»дан йиғлаб ёзилган мактублар турнақатор бўлиб кела бошлади. Бу қишлоқларда гўё авлодлар руҳи яшар, ҳар бир гувалада уларнинг бармоқ излари бор эмиш. Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман. Агар ота-боболаримиз шу кунларгача етиб келганларида эди, улар қувончимизга шерик бўлардилар, ҳаётимизда юз берган янгиликлардан ўзларини бахтли сезардилар ва ҳеч қачон бундай туҳмат анқиб турган мактубларга ўз имзоларини чекмасдилар.

Адоватчи буқаламун сингари манфурдир. У гоҳ ошини ошаб бўлган эскиликларга ёпишади. Бизларни уларни бузишда айблайди. Бирдан қарасангиз янгликни ёқлаб чиқади. Бизда эҳтиётлаб сақлашга интилаётган расм-русумлар, ажойиб анъаналар унинг кўнглига ёқмай қолади. Ўрта Осиёда баҳорнинг биринчи куни — наврўзни нишонлаш анъанаси бор. Бу одат яхши, фойдалидир. Чунки, у меҳнатга чорлайди. Деҳқонлар ҳамма вақт кунлар исиб кетгунча ишга чиқадиган ҳўкизлар, отлар, деҳқончилик асбоб-ускуналарини яхшилаб тайёрлаганлар. Баҳорнинг биринчи куни дала ишлари бошланиши арафасида тантанали вазиятда кириб келган.У дала ишларига тайёргарликни текширишнинг ўзига хос йўли, далага чиқишга тайёргарлик кўраётганларнинг байрами эди.

Биз ноҳақ равишда унутиб юборилган наврўзни қайтадан тикладик. Табиийки, давр бу байрамга ўз тузатишларини киритди. Бугунги кунда ҳўкизлар, отлар, омочларнинг эмас, балки қудратли қишлоқ хўжалик техникасининг дала ишларига тайёргарлиги текширилмоқда. Хўш, бундай меҳнат ва баҳор байрамининг нимаси зарарли? Ким шундай дейди? Аммо шундай дегувчилар топилди. Улар бизларни «диний урф-одатлар»ни тикловчиларга чиқариб қўйишди. Бу ўринда изоҳнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Аммо, адоватчиларни иш манфаатлари қизиқтирадими? Йўқ!

Мен хатлар ёзиш, бизлардаги учраб турадиган нуқсонларни қаттиқ танқид қилиш керак эмас, деган фикрдан узоқдаман. Мен ҳамма қинғир-қийшиқ, заарли, ёлғон нарсалар қизиб турган темир ўтида қуйдирилиши тарафдориман. Ҳаёт ҳаётлигича қолади. Унда олижаноблик билан ёмон нарсалар ёнма-ён учраши мумкин. Ёмон нарсаларни ўз вақтида таг-туги билан суғуриб ташлаш учун чора-тадбирлар кўрмоқ зарур. Бунда қийинчилик сезилса, унда табиийки, партия ва совет органларига, газеталарнинг редакцияларига мурожаат қилмоқ керак. Бунда ҳам дадил туриб очиқ-ойдин ёзмоқ, бурчакдан туриб исми-шарифингни бекитмай туриб ёзмоқ керак. Агар сен ўз ҳақлигингга имонинг комил бўлса ҳеч қандай қўрқувсиз ҳаракат қилавер.

Бу ўринда мен Наманганда Тельман номли колхоздан Тоштилла Расуловни эслатиб ўтмоқчиман. Эсимда, «Правда» газетаси уни жиноятчилар, қолоқ одамлар ҳужумидан ҳимоя қилиб чиққан эди. Тоштилла ҳаётимиз нормалари бузилаётганлигини, колхоздаги салбий воқеаларни қаттиқ танқид қилиб газетага хабарлар ёзди. У панада туриб ҳаракат қилмади. Миш-мишларни тарқатмади. Ҳақиқатни очиқ-ойдин ёзиб юборди. Унга қарши халқ мулкини талонторож қилган, бошқа жиноятлар қилган кишилар саф тортдилар. Улар Расуловни ҳар томондан таъқиб қила бошладилар. Унинг колхоз раиси ўринбосари лавозимидан озод қилиннишига эришдилар. Ишлаши учун деярли имкон йўқ шароитни вужудга келтирдилар. Аммо, ҳақиқат тантана қилди. Областимизнинг барча софдил кишилари Тоштилланинг аввалги лавозимига тикланганлиги, уни таъқиб қилганлар эса жазоланганликлари тўғрисидаги хабарни қувонч билан кутиб олдилар. Қишлоқ мухбирининг сигналлари колхозда адолатнинг тикланишига кўмаклашди.

Яқинда тоғларда юз берган кучли бўрон пайтида юртдошимиз Султонали Қурбонов қўй подасини қутқара туриб ҳалок бўлди. У ҳали жуда ёш эди. Бор йўғи 27 га кирган эди. Аммо, мен шуни айтаманки, у ўзини одамлар бахт-саодати йўлида қурбон қилиб, қалбимизда ўчмас из қолдирди. Мен кекса бошимни ёш ҳамюртим хотираси олдида эгаман.

Мен ўз бошимни жонажон мамлакатим манфаатлари, совет халқи манфаатлари билан яшаётган барча кишилар олдида, ўз бахтини дўстлар бахтида

ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

БРИГАДА ҲИССАСИ

✦ Нишон районидаги «Москва» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маҳкам Ҳазратқулова бошлиқ пахтачилик бригадасининг ҳар бир аъзоси турдош касб— чорвадор касбини ҳам эгалладн. Ёрдамчи хўжалик ташкил этилганлиги муносабати билан шундай касбни эгаллаш зарурати туғилди. Бу хўжаликда молларни семиртириш фермаси ва паррандачилик фермаси бор.

Коллектив чорва моллар ва паррандаларни асраш учун қисқа вақт ичида бинолар қурди, дала шийпони яқинидаги бўш ётган ерни ҳайдаб, озуқабоп экинлар ва сабзавот экди Бу эса дастлабки натижани берди. Бир йил ичида давлатга 8 тонна гўшт топширилди. Шу билан бирга бригада ўзини гўшт, тухум, сут ва сабзавот билан тўла-тўкис таъминлайди. Пахтакорлар эришилган натижа билан кифояланиб қолмадилар. Улар бу йил 10 тонна гўшт етиштиришни мўлжалламоқдалар. Ҳозирги вақтда ёрдамчи хўжаликда 15 бош новвос, 2 бош соғин сигир, 10 бош қўй ва 100 та товуқ боқилмоқда.

Чорва молларини яхши семиртиришда совхоз сут-товар фермасининг мутахассислари деҳқонларга ёрдам бермоқдалар. Улар пахтакорларга озуқани тўғри тайёрлаш, чорва молларни парвариш қилишни ўргатдилар.

Оталиққа олган мутахассислар-нинг маслаҳати асосида ишлаб чиқилган рационлар новвосларнинг гўштга топшириш вақтидаги вазнини 558 килограммга етказиш имконини бермоқда.

Қўшни қўрғ ерлардаги совхозларнинг пахтакорлари ёрдамчи хўжаликни кўздан кечириш учун бу ерга тез-тез келиб турадилар. Улар бу хўжаликда илғор тажрибани ўрганадилар. М. Ҳазратқулова бошлиқ бригада аъзолари ўзларида ёрдамчи хўжалик ташкил этишга қарор қилган мусобақадош ҳамкасбларига бажонидил ўз билимларини ўргатмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

✦ Косонсойдаги бройлер фабрикаси ўтган йили март ойида ишга туширилган эди. Утган қисқа давр мобайнида бу ерда паррандаларнинг бош сони ва маҳсулдорлигини ўстиришга катта аҳамият берилди. Ҳозир фабрикада 60 мингта товуқ зооветеринария қоидалари асосида парваришланмоқда. Шу туфайли товуқлар тез семириб, фабрика коллективи ҳар ойда истеъмолчиларга 20 тоннадан парҳез гўшт етказиб беришга эришаётир. Суратларда: 1. Пешқадам паррандабоқар Мазия Нишонова. У ўзи парваришлаётган товуқларни бир суткада 23—25 грамм семиришнин таъминламоқда. 2. Бройлер фабрикасининг умумий кўриниши. 3. Фабрика цехларидан бирида.

В. Молгачёв фотолари.

Мухбиримиз бонг ураги

МАСЪУЛИЯТ УНУТИЛГАЧ...

Озиқ-овқат программасини амалга оширишда чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш муҳим омил ҳисобланади. Буни қалбдан ҳис қилаётган азамат чорвадорларимиз моллар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш йўли билан мўл-кўл гўшт, сут, тухум тайёрлаш учун дала ва фермаларда фидокорона меҳнат қилиб, қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Пойтахт Тошкент областининг Ўрта Чирчиқ районида пахта, шоли, каноп, сабзавот ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини ошириш билан бир қаторда чорва маҳсулотларини йилдан-йилга кўпайтиришга эришилмоқда. Район статистика бошқармаси маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерда 1 августга қадар 1326 тонна гўшт, 5269 тонна сут, 25 миллион 725 минг дона тухум тайёрланганини кўрамиз. Агар гўшт ва сут тайёрланишини йиллик планга таққослайдиган бўлсак, етти ойлик план бажарилганлиги маълум бўлади. Аммо масалага молларнинг маҳсулдорлиги нуқтаи назаридан кўз ташлайдиган бўлсак, бу борада ҳали талайгина резерв ва имкониятлар борлигини кўрамиз.

Бир хил шароитга эга бўлган областнинг Калинин, Тошкент ва бошқа районларида гўштга топширилаётган молларнинг тирик вазни 450—500 килограммгача етказилмоқда. Ҳар бир сигирдан 4000 килограмм ва ундан ошириб сут соғиб олинмоқда. Ўрта Чирчиқ районида гўштга топширилаётган қорамолларнинг тирик вазни ўртача 421 килограммни ташкил этяпти. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори 3 минг килограмм атрофида бўлмоқда. Табиийки, бунга сабаб нимада, деган ҳақли савол туғилади.

Чорва маҳсулдорлигини оширишнинг энг муҳим ва асосий шартларидан бири озуқа базасини мустаҳкамлаш эканлигини ҳозир ҳар бир чорвадор жуда яхши билади. Мўл-кўл, сифатли, турли витаминларга бой, тўйимли озуқага эга бўлмай туриб, гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш мумкин эмас.

Ўртачирчиқлик чорвадорлар йил бошида мустаҳкам озуқа базаси яратиш ва шу асосда чорва маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш мажбуриятларини қабул қилишган. Шу мақсадда районда 60 минг тонна дағал хашак, 35 минг тонна беда ва табиий ўт пичани, 13 минг тонна сенаж, 10 минг тонна сомон, 40 минг тонна силос ва 2 минг тонна витаминли ўт уни тайёрлаш тадбирлари белгиланди.

Биз районда бўлиб белгиланган тадбирларни амалга ошириш борасида қандай ишлар қилинганлиги ва нималарга эришилгани билан қизиққанимизда қуйидаги манзарага дуч келдик. Районда шу кунгача ҳаммаси бўлиб 32033 тонна дағал хашак жамғарилган. Бу қабул қилинган мажбуриятнинг 53 процента демакдир. Беда ва табиий ўт пичани тайёрлаш эса мутлақо талабга жавоб бермайди. Ҳозиргача мажбуриятда белгиланган 35 минг тонна ўрнига 12954 тонна пичан тайёрланиб, бу борада топшириқ 36 процент бажарилгани ҳар қандай чорвадорни ташвишга солмай иложи йўқ.

Ҳозир Тошкент областида суғориладиган ва лалми ерларга экилган барча бошоқли дон экинлари йиғиштириб олинди. Ўртачирчиқликлар мажбуриятда белгиланган 10 минг тонна ўрнига шу кунгача атиги 2571 тонна сомон жамғардилар, холос.

Айни кунларда барча ерда силос учун экилган маккажўхорини қисқа муддатларда, сифатини бузмаган ҳолда ўриб-йиғиб олиш учун қизғин кураш кетмоқда. Район маккажўхорикорлари эса суръатни кўтариш ҳақида ҳали қаттиқ жон куйдиришмаётганга ўхшайди. Ўз вақтида ўриб олинмаган маккажўхори дони ва поясн қуриб, унинг таркибидаги тўйимли моддалар камайиб кетишини ва оқибат натижада чорва маҳсулдорлигига салбий таъсир этишини наҳотки район раҳбарлари ва мутахассислари тушунишмаса?

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу йилги қулай об-ҳаво шароитлари туфайли табиий ўтлар мўл бўлди. Оқар сувнинг етарли бўлиши эса суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш ҳисобига озуқа экинлари ҳосилдорлигини оширишга имкониятлар яратиб берди.

Аммо район хўжаликларида талабчанлик сусайтириб юборилганлиги, масъулиятни ҳис қилмаслик, ўзибўларчилик кайфиятининг ҳукм суриши озуқа жамғариш планларининг барбод берилишига олиб келмоқда. Бу ўз навбатида, юқорида кўрганимиздек, районнинг умумий хирмонида ўзининг салбий аксини топмоқда.

Масалан, «Северний маяк» колхозида бу йил ўтган йилдагидан 562 тонна кам дағал хашак, минг тонна кам сенаж жамғарилган. Ким Пен Хва номли, Энгельс номли колхозларнинг чорвадорлари ҳам бу борада «рекорд» натижага эришдилар. Ким Пен Хва номли колхоз ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 823 тонна, энгельсликлар эса 650 тонна кам сенаж тайёрладилар.

Районнинг айрим хўжаликларида беда ва силос учун экиладиган маккажўхори майдонлари кўзда тутилганидан анча камайтириб юборилган. Экинлар агротехника талаблари асосида парваришланмаётганлиги сабабли ҳосилдорлик кўпайиш ўрнига пасайиб кетяпти. Буларнинг ҳаммаси районда чорвачиликнинг юксалишига жиддий тўсиқ бўлаётир. Ахир, чорва молларини тўйимли озуқалар билан қишин-ёзин бирдай таъминламай туриб, маҳсулдорликни ошириш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас-ку!

Ҳозир барча ерда чорва молларни интенсив парвариш қилиш, семиртириш муддатларини қисқартириш ва уларнинг вазнини камида 450—500 килограммга етказишга эришиш учун зарур техника воситалари билан жиҳозланган ихтисослаштирилган бўрдоқичилик базалари ташкил этилмоқда. Ўрта Чирчиқ районида ҳанузгача бирорта ҳам бўрдоқичилик ва наслли молларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган хўжалик йўқ.

Районда чорва маҳсулотлари тайёрлаш суръати пастлигининг яна бир сабаби — моллар сони жуда секин ўстирилаётганлигидир. Ўтган йилнинг 1 июлидан шу йилнинг 1 июлигача қорамоллар сони атиги 40 тага, қўйэчкилар 333 тага, чўчқалар 50 тага кўпайтирилганлигини қандай баҳолаш керак?

Товуқлар сонини ошириш ўрнига кескин камайтириб юборилганлиги айниқса кечирилмас ҳолдир. Ўртачирчиқлик паррандабоқарлар товуқларни яхши парваришламаганликлари, хўжаликларда, айниқса «Партия XXVI съезди» паррандачилик фабрикасида зооветеринария хизмати яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли паррандалар сони ўтган йилги 729907 тадан 694944 тага тушиб қолди. Оқибатда парранда гўшти ва тухум тайёрлаш кескин камайди.

Кўринриб турибдики, районда чорва маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш талабга жавоб бермайди. Гўшт, сут, тухум тайёрлашни кескин кўпайтириш учун, аввало, озуқа жамғаришдаги қолоқликни тугатиш, қоларса, моллар наслини яхшилаш ва уларнинг бош сонини ўстириш учун зарур барча имкониятларни ишга солиш керак.

К. РИХСИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

САЛОМАТЛИК ЙЎЛИДА

✦ Оқолтин районининг марказ — Сардобада жойлашган касалхонада янги корпус ишга туширилди. Бу эса касалхонадаги ўринлар сонини қариб икки баравар кўпайтириш имконини берди. Энди бу ерда айни бир вақтда салкам 200 киши даволаниши мумкин. Терапевтика ва хирургия бўлимлари кенгайтирилди, касалхона ҳузуридаги амбулатория ва дорихона биноларн анча кенг бўлиб қолди.

Касалхона янги биносини «Голодностепстрой» бошқармасига қарашли 16-механизациялашган кўчма колоннасининг бинокорлари сифатли қилиб қуриб бердилар.

(ЎзТАГ).

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

ОРЗУ

Ўша куни Ойхонимларга синф раҳбари қувончли хабар айтди: Урганчдаги КПСС XXV съезди номли пиллакашлик фабрикасига экскурсияга боришар экан.

Шу куни донгдор ишчилар билан бўлган учрашувлар, ипак ўровчи аппаратлар, ҳар хил механизмларнинг ҳаммаси Ойхонимнинг қалбида узоқ вақт сақланиб қолди. Айниқса, илғор ипак ўровчи Беклошшанинг қизиқарли суҳбатлари Ойхонимнинг кўнглида касбга меҳр туғдирди. Орзу уни мактаб тугагач пиллакашлик фабрикасига етаклади. Дастлабки кунларда осон бўлмади, албатта.

Ойхоним Авазматова Урганч пиллакашлик фабрикасида ишлай бошлаганидан сўнг кўп ўтмай, меҳнатда ўзини кўрсатди.

Ойхоним ҳамкасблари ўртасида ширинсўз, меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради. Сергайрат, оловқалб, О. Авазматова ҳамиша план-топшириқларни 140—145 процентга етказиб уддаламоқда. Бир кунда 3 килограмм 705 грамм ўрнига, 4,5—5 килограммга яқин ипак ўрайди. Эндиликда у Хадича Худойқулова, Ровия Ёқубова ва Санам Қозоқова сингари комсомол ёшларга мураббийдир.

Ойхоним Авазматова фабриканинг илғор ишчиси, шаҳар Советининг депутати Олима Давлатова билан мусобақалашиб ишламоқда. Бу икки дугона беш йиллик план топшириқларини уч ярим йилда бажаришга азму қарор қилишган. Бугунги кунда улар вазъдаларининг устидан чиқиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Ф. ТАНГРИБЕРГАНОВА.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

✦ ПРАГА. Чехословакия территориясидан ўтаётган транзит газ қувури янги трассаснинг қурувчилари июль ойи ишлаб чиқариш планини анча ошириб бажардилар. Бу газ қувури Уренгой-Помари-Ужгород магистралини давом эттиради. Совет гази ана шу магистрал орқали Ғарбий Европа мамлакатларига етиб боради.

Трасса қурилишида Братислава гидросозлари, Кошице монтажчилари, Пардубице оловкорлари ва республикадаги кўпгина бошқа шаҳарларнинг ишчилари меҳнат қилмоқдалар Барча ишлар тугалланганидан кейин унинг узунлиги 800 километрни ташкил этади. Трассада иккита кучли компрессор станцияси ишлайдиган бўлади.

Чехословакиянинг Куржим шаҳридаги «Тос» станоксозлик заводи коллективи ноёб ишланма марказини тайёрлашга киришди. Рақамли бошқариш программаси бўлган бу агрегат 140 та турли ишлаб чиқариш операцияларини бажариб, бир минутда 300 тагача деталлни ишлай олади. Бу агрегатдан фойдаланиш кўплаб ишчиларни бўшатиб, бошқа участкаларга кўчириш имконини беради.

✦ БУДАПЕШТ. Венгрияда соя экини йиғиштириб олиш бошланди. Июль ойида об-ҳаво ғоят иссиқ келганлиги натижасида таркибида оқсил мўл бўлган бу қимматли озуқа экинининг тезпишар навлари одатдагидан 2—3 ҳафта илгари пишиб етилди. Бошоқли экинларни ўриб олиш муддатидан илгари тамомланганлиги сояни йиғиштириб олиш учун техникадан кенг фойдаланиш имконини берди. Бу йил 31 минг гектар майдонга соя экилган бўлиб бу ўтган йилдагидан 30 процент кўпдир.

Бойси қишлоқ хўжалик комбинати 8 минг тонна соя маҳсулоти тайёрлайди. Соя уруғлигининг бир қисми Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга жўнатилади.

РЕВОЛЮЦИЯНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ШАЙ

КОБУЛ, 9 август. (ТАСС). Ғазна вилоятининг оқсоқоллари, қабила бошлиқлари ва таниқли руҳонийларидан 500 дан ортиқ киши бу ерда бўлиб ўтган қабилалараро жирға (йиғилиш)да иштирок этди. Улар халқаро империализм ва регионал реакция АДРга қарши авж олдирган эзлон қилинмаган уруш сабабли вилоят ичкарисида хавфсизликни таъминлаш масалаларини муҳокама қилдилар.

Гур ва Варда вилоятларининг уездларида ҳам ваколатли жирғалар бўлиб ўтди. Мазкур вилоятларда истиқомат қилувчи қабилаларнинг бошлиқлари ва оқсоқоллари ташқаридан Афғонистон территориясига суқилиб кираётган босмачи гуруҳларга қарши курашда АДР Революцион партияси ва ҳукуматига бутун чоралар билан кўмаклашамиз, деб ваъда бердилар.

Афғонистон пойтахтида Марказий Нуристон (мамлакатнинг шарқий ва шарқишимолий қисми) қабилаларининг оқсоқоллари қабила бошлиқлари, миллатлар вакиллари иштирокида жирға бўлиб ўтди. Жирға қатнашчилари АДР революцион маъмурлари ўтказаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаётганликларини изҳор қилдилар ҳамда Апрель революцияси ва афғон халқи ғалабаларини ҳимоя этишга шай турганликларини айтдилар.

Жирғада АДР элатлари ва қабилалари ишлари масалалари билан шуғулланувчи министр Сулаймон Лойиқ нутқ сўзлади.

ЭРОН БИЛАН ИРОҚ ЎРТАСИДАГИ МОЖАРО

✦ НИКОСИЯ. Эрон президенти Али Хусайни-Хумайни Эрон қўшинлари Ироқ Курдистонида ҳужум бошлангандан кейин Эрон-Ироқ чегарасидан 18 километр ғарбда Кардаманд чўққисини эгаллаганлар деб айтди. Шундай қилиб, деди у, эронликлар Хажумрон аҳоли пункти теварагидаги район устидан назорат ўрнатдилар. Шу йил 22 июлда бошланган ҳужумнинг асосий мақсади шундан иборат эди.

✦ БАҒДОД. Ироқ ҳарбий вакилининг ИНА агентлигига берган баёнотига кўра, Эрон қўшинлари шиддатли жанглар натижасида Кардаманд чўққисини эгаллаганлар. Лекин ироқликлар тоғ ёнбағирларини ва унга қўшни чўққиларни ҳамон эгаллаб турибдилар, дейилади баёнотда.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

✦ БРАЗИЛИА. Маъмурлар маориф соҳасида кўраётган чораларга қарамай, бразилияликлардан 19 миллиондан кўпроқ киши ҳали ҳам саводсиз. Маориф ва маданият министри Эстер Фигейрйду Феррас бу ерда ана шуни маълум қилди. Мамлакатнинг қоқоқ шимоли-шарқида саводсизлар айниқса кўп. Бу ерда катта ёшдаги аҳолининг 56 процента ёзиш ва ўқишни билмайди. Министр саводсизликни тугатиш учун ҳукумат кўп миқдорда маблағ ажратиш ниятида эканлигини айтди.

✦ ЖАКАРТА. Яван денгизида Индонезиянинг икки кемаси — пассажир теплоходи билан юк ташийдиган кема тўқнашганлиги натижасида бу кемалар шикастланиб ғарқ бўлди. 270 пассажир ва командаларнинг аъзоларидан икки киши ҳалок бўлди ва 150 га яқин киши бедарак йўқолди. Кемачилик компанияси расмий вакилининг бу ерда айтишича, фалокат сабаблари аниқланмоқда.

✦ ЛУСАКА. Лусакадан шимоли-шарқда жойлашган кичик Чонгве аҳоли пунктида Жанубий Родезия (ҳозирги Зимбабве) собиқ ирқчи режими қотиллари қўлидан ҳалок бўлган замбияликлар хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳаси очилди. Замбия халқи ўз мамлакатининг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борган кураш йилларида у Родезия ва Жанубий Африка қотиллари ирқчилик хуружлари ва агрессияларидан бир неча бор жабрланди. Суверен давлатга бандитларча қилинган мана шундай хуружлар вақтида минглаб гражданлар ҳалок бўлди. (ТАСС).

ЎЗБОШИМЧАЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН

БАЙРУТ, 8 август. (ТАСС). Ливаннинг Исроил қўшинлари босиб олган жанубий қисмида ялпи забастовкалар давом этмоқда. Кеча Тир, Сайда шаҳарлари, Жибшит, Ансар, Заутар, Кфар-Тибнит, Кфар-Руммана қишлоқлари ва бошқа кўп жойларда ватанпарвар ташкилотларнинг чақириғи билан Ливан территорияларининг бир йилдан ортиқ оккупация қилиб турилишига қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Аҳоли исроиллик босқинчиларнинг бебошлигига чек қўйилсин, Ансар қамоқ лагеридаги маҳбуслар ва мамлакатнинг жанубидаги маҳаллий мусулмон ташкилотларининг қамоққа олинган раҳбарлари озод қилинсин, деб талаб этди.

Ливан ватанпарварлари ўтган куни исроиллик босқинчиларга бир неча бор муваффақиятли ҳужум қилдилар. Масалан, улар Шуэйфатда Исроил позициясини гранатомётлардан ўққа тутдилар. Байрут атрофидаги Хадас районида Исроилнинг ҳарбий постига ҳужум қилинди.

Босқинчилар ва уларнинг агентлари кейинги бир неча кун ичида мамлакатнинг кўп районларида террорни кучайтирдилар. Кеча Баалбек шаҳар бозори районида автомашина портлатилди. Ана шу ваҳшиёна хуруж натижасида 33 киши ўлди, 133 киши жароҳатланди. Бир неча кун илгари Триполи шаҳрида кучли портлаш бўлди. Бу ерда 20 киши ўлди ва 70 га яқин киши жароҳатланди. Ўтган ҳафтадаги портлашлар натижасида Байрут аҳолиси ўртасида қурбонлар бор.

Ливаннинг таниқли сиёсий арбоби, мамлакатнинг собиқ бош министри Р. Караме Триполида нутқ сўзлаб, Ливанда тинч аҳолига қарши бошланган террор кампаниясини АҚШ ва Исроил қўллаб-қувватламоқда, деди. У Ливан халқини АҚШ, Исроил ва уларнинг агентларига қарши курашда бирлашишга чақирди. Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси А. К. Муре таъкидлаб ўтганидек, Баалбекда душман агентлари мамлакатнинг миллий озодлик кучлари ҳаракат қилаётган районларда амалга оширилаётган фитна режаларига мувофиқ жиноят қилдилар. Ливан тараққийпарвар мустақил бирлашмаси ташкилоти Баалбек, Триполи ва Байрутдаги жиноий хуружлар Ливаннинг мустақиллигига қарши қаратилган ва мамлакатдаги демократик кучларга зарба бериш мақсадини кўзда тутади, деб таъкидлади «Ливанликлар, — деб ўқтириб ўтилади ташкилотнинг баёнотида, — Исроил агентлари Тель-Авив манфаатларини кўзлаб, қотиллик қилганликларини яхши биладилар».

СУРИЯНИНГ ПРИНЦИПИАЛ ПОЗИЦИЯСИ

ДАМАШҚ, 9 август. (ТАСС). Сурия президенти Х. Асад Яқин Шарқ можаросини бартараф этишга нисбатан ўз мамлакатининг принципиал ва изчил позициясини яна бир бор таъкидлади. У АҚШ президентининг Яқин Шарқдаги махсус вакили Р. Макфарлейн билан учрашув тўғида, деб хабар қилади Сурияннинг САНА информация агентлиги, САР Ливанга Исроил билан битим тузиш мажбуран тиқиштирилганлигини қатъиян қоралайди, деди. Бу битим Ливан суверенитетига путур етказади, шунингдек Сурияга ва бошқа араб мамлакатларига жиддий хавф солади. САР президенти унинг мамлакати Ливаннинг мустақиллиги ва территориал бутунлиги учун курашаётганлигини ҳамда Исроил агрессорларининг қўшинлари ана шу суверен араб давлати территориясидан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетилишини талаб қилаётганлигини уқтирди.

КУЧЛИ ЕНҒИН

✦ МАПУТУ. ЖАР соҳилларида, Кейптаундан 130 километр нарида сузиб бораётган «Кастилльо де Бельвер» испан танкерида кучли ёнғин чиқди. Экипажнинг 36 аъзосидан 31 кафари қутқариб қолинди. Қолган беш киши бедарак йўқолди, деб эзлон қилинди.

МАТБУОТ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

МРБ ЙЎЛ-ЙЎРИҒИ БИЛАН

Австралияда чиқадиган «Сидней морнинг геральд» газетаси МРБ фаолияти ҳақидаги мақолани эзлон қилди. Биз уни айрим қисқартиришлар билан ва етхонлар эътиборига ҳавола қиламиз.

Бугунги кунда АҚШ Марказий разведка бошқармасини мамлакатда тобора кенгайиб бораётган энг катта давлат муассасаси деб атайдилар. Рейган маъмурияти граждан маҳкамалари кўпчилигининг фондларини қисқартираётган бир пайтда МРБнинг 1983 йилдаги бюджети ўтган йилдагига нисбатан 25 процент кўпайди. Рональд Рейган Оқ уйда ўрнашиб олиши биланоқ бошқармага янада каттароқ ваколатлар берилди. У ўтган йили ҳатто штатлар кўпайганлигини очиқдан-очиқ эзлон қилди. 250 минг нафар граждан газеталар ва журналларда босилган эзлонларни ўқиб иш билан таъминланишга шошилди. Картер пайтида МРБ штатида 14 минг киши бор эди. Ҳозир унинг сони 16 мингдан ошиб кетди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг хабар қилишича, бу кўрсаткич тағин ҳам ошиши мумкин. Умуман олганда эса МРБ раҳбарлари ўз қўл остиларида қанча ходим ишлашини аниқ кўрсатишни унча хушламайдилар.

Аппарат кенгайиши билан жосуслик маҳкамаси роли ҳам ортиб бормоқда. Президент Рейган МРБга мамлакат ичкарисида операциялар ўтказишга рухсат берди. Илгари бундай фаолият ман қилинган эди. МРБ фаолиятининг активлиги борган сари ички сиёсатда ҳам яққол сезилмоқда. Яъни у сиёсий мунозараларнинг боришига таъсир ўтказяпти.

МРБнинг АҚШдан ташқаридаги ҳаракатларини ҳозирги пайтда 1973 йилда Чилида амалга оширилган ҳарбий тўнтаришдан кейинги энг фаол ҳаракат деб баҳолаш мумкин. Америка бошқарманинг қўпорувчилик фаолияти учун объект бўлиб қолди. Ушбу регион ҳамма вақт АҚШнинг алоҳида диққат-эътиборида туради. МРБ кўмагида бир вақтлар Гватемала ва Никарагуада ҳарбий диктатуралар ўрнатилган эди. АҚШ Сальвадор ва Гондураснинг халққа қарши режимларига ёрдам бермоқда. Ҳозирги пайтда Никарагуага қарши ўтказилаётган ҳарбий операциялар айнан Гондурас тупроғидан туриб амалга ошириляпти. Матбуотнинг хабар беришича, ҳозир МРБнинг 150 дан зиёд агенти Гондурасда, яна неча ўнлаб жосуси эса қўшни мамлакатларда турибди. Уларнинг аксарияти қўпорувчилик ва жазолаш бўйича мутахассислардир.

МРБнинг фаолияти АҚШ конгрессида борган сари кўпроқ безовталик уйғотмоқда. Конгрессменлар разведканинг Марказий Америкадаги воқеаларга қизиқаётганлигини билардилар. Аммо никарагуалик контрреволюционерларга тўғридан-тўғри ҳарбий ёрдам кўрсатилаётганлигини матбуот орқали билиб олдилар. МРБ «ифлос ишлар»ни амалга оширишда турли-туман муртадлардан мунтазам равишда фойдаланиб келаётганлиги тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд. Масалан, ўтган йили истеъфога чиққан МРБ директорининг собиқ ўринбосари Бобби Инман Сомоса миллий гвардиячилари хизматидан тез-тез фойдаланиб келган.

Жосуслик маҳкамаси ўтказаётган барча операцияларда МРБ директори Уильям Кейсининг номи учрайди. Конгрессдагиларнинг кўпчилиги МРБ бошлиғи ўз маҳкамаси фаолиятини Оқ уй хўжайини йўл-йўриқларига мослаштиришга урининяпти, деб ҳисоблашмоқдалар. Демократик партиядан сайланган уч сенатор, ташқи ишлар бўйича комиссия аъзолари ўтган йили МРБнинг Лотин Америкаси бўйича тайёрлаган докладини олгач У. Кейсига мактуб йўллаб, тақдим этилган ахборотлар сифатидан норози эканликларини баён қилдилар. «Доклад, — дейилган эди мактубда, — қуруқ сафсатадан иборат бўлиб, вазиятнинг объектив таҳлилидан кўра, кўпроқ президентнинг йўл-йўриқларини ифода қилади».

Совет Иттифоқи МРБ қизиқадиган алоҳида объектдир. Чунончи, бошқарма Вашингтоннинг Ғарб технологиясининг СССРга етказиб берилишини чеклашга оид уринишларини амалга оширишга жалб қилинган. Рейганнинг сайловолди кампаниясини ташкил қилган Кейси ҳозир президентнинг Советларга қарши кампаниясини ташкил қилаётган кўринади.

(АПН).

ЁДГОРЛИКЛАР — ФАХРИМИЗ

Бугун тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қарор чиққан кунга 50 йил тўлади. Совет давлати ва Комунистик партия ўз фаолиятларининг дастлабки одимларидан бошлабоқ ўтмишнинг маданий меросини сақлаш тўғрисида катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқдалар. Партия маданий меросга муносабатнинг марксистик позициясини ишлаб чиқди. Буюк доҳийимиз В. И. Ленин мамлакатимизда тарихий ва маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган улкан ишларнинг бевосита ташаббускори ва раҳбари бўлди. Ў шу масаладаги партия ва давлат ҳужжатлари аксариятининг муаллифи ёки муҳаррири эди. Улуғ Октябрь инқилобидан кейинги биринчи йиллардаёқ мамлакатимизда ёдгорликларни муҳофаза қилиш органлари тузилди. Юксак малакали мутахассислардан иборат таъмирловчилар коллективлари вужудга келтирилмоқда. Жуда кўплаб саройлар, боғлар, қўриқхоналар, музейлар, архитектура ёдгорликлари муҳофаза остига олиняпти. Тарихда биринчи марта СССР халқлари тарихий ва маданий бойликларини эҳтиётлаб сақлаш бўйича умумдавлат сиёсати вужудга келди.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар — бизнинг миллий бойлигимиз, чексиз фахримиздир. Улар ўтмиш авлодларнинг моддий ва маънавий ҳаётини, Ватанимизнинг кўп асрли тарихини, халқ омма сининг озодлик ва мустақиллик учун курашини, тарихда биринчи социалистик давлатнинг дунёга келиши ва тараққий этишини ифодалайди. Уларда кўп миллатли она-Ватанимизда яшовчи халқларнинг донолиги ва ижодий истеъдоди мужассам бўлган. Бу ўчмас мерос ватанпарварлик манбаи бўлиб, кишиларни ғоявий-ахлоқий, интернационал ва эстетик руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнайди.

1976 йилда тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва фойдаланиш тўғрисида қонун қабул қилинганлиги мамлакатимиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, улар тўғрисидаги билимларни оммалаштириш ишида жамоатчилик — касаба союз, ёшлар ташкилотлари, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятлари, илмий жамиятлар, ижодий союзлар катта роль ўйнаяпти. Улар давлат органларига тарихий ва бадиий меросни, Ватан ёдгорликларини муҳофаза қилишда катта ёрдам беришяпти. Амалга оширилаётган жуда катта қўламдаги бу ишларнинг самарасини республикамиз мисолида ҳам яққол кўрса бўлади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда 7 мингдан зиёд археология, архитектура ва санъат ёдгорликлари мавжуд. Давлатимиз уларни таъмирлаш ва қайта тиклашга йил сайин кўплаб маблағ сарфлаяпти. Жумладан, фақат ўтган йилнинг ўзидагина бу ишга 8 миллион 673 минг сўм сарфланди. Реставрация ишларига алоҳида эътибор бериляпти. Масалан, Хивадаги тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш Шарқнинг буюк алломаси Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий туғилган кунинг 1200 йиллигига ҳозирлик билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилаётир. Ҳозир шаҳар юбилейида иштирок этадиган меҳмонларни кутиб олишга ҳар тарафлама пухта тараддуд кўрмоқда. Ота дарвоза олдида «Меҳмондўстлик» майдони бунёд этилди. Унинг марказида олимнинг ҳайкали қад кўтарди. Ҳовуз бўйида дам олиш зонаси, маданий-маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари жойлашган.

Суратда: майдоннинг умумий кўриниши.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

ҚАТРАЛАР

ҚИШЛОҒИМИЗ КИШИЛАРИ

Қишлоғимиз одамлари автобус бекатига бир кўчадан чиқишади. Аввал қуйи синфларда ўқийдиганлар кўчани тўлдириб, қишлоқни бошларига кўтаришади. Кейин «ақли кириб қолган» юқори синф ўқувчилари етиб келишади. Колхоздан ажратилган махсус автобус болаларни мактабга ўз вақтида етказиб боради.

Энди бекат ишга бораётганлар билан гавжум бўлади.

Ҳов, ана Ўринбойнинг қизи Мавлуда келяпти. У заводда бухгалтер. «Жигули»да келаётган Қурбон Юсупов қишлоғимиздан чиққан биринчи инженер-қурувчи. Унинг тенгқўри Убайдулла Файзуллаев авиаконструктор. Оқ «Жигули»даги Қўчқор Юсупов —механизатор. Ана учта опа-сингил Файзуллаевалар келишяпти бекатга. Иккитаси инженер-ирригатор, энг кичкинаси ТошМИда студент.

Қишлоғимда ўсиб-унган турли касб эгалари мана шу бекатда ҳар куни йиғилишади, ҳазил-ҳузул қилишади. Баъзиларини ишхоналаридан келган машиналар олиб кетади, кўплари автобусда.

Қўй-сигирларини подага ҳайдаётган чол-кампирлар фарзандларини кўриб ўзида йўқ қувонишади.

Нега қувонмасин ота-оналар! Илгари шоликор бўлатуриб қорнилари нонга тўймаган. Бир чакмонни навбатма-навбат кийишиб тўйга боришган. Бир ёзда учта чориқни тўздириб, қиш келиши билан уйда ўтириб қолишган. Юпун-да.

«Жигули»да, автобусда кетаётган ўғил-қизларини кўрган ота-оналарининг кўз олдидан икки пуд гуручни орқалаб бозорга борган кунлари ўтади.

Шоликорнинг боласи бугун инженер, бригадир, ўқитувчи, шифокор, механизатор. Ота-оналар сигир арқонлайман деб баҳона қилиб бекатга тўпланган ўғил-қиз неварасини ишга кузатиб қўймоқчи.

— Неъмат — дейди боласини чақириб Шодил амаки, — пулинг борми.

— Бор, раҳмат дада, — дейди ўғли.

Ўтмишда қаёққа борса иккита нонни белига тугиб юрадиган кексалар эндиликда бола-чақалари ошхонада овқатланишларини яхши билишади. Шу сабабданми, овқатланишга пулларинг борми, деб қўйишади улар.

Ҳа, ота-оналар болаларини ишига, ўқишига ой бориб омон келгин деб, кузатиб қолишади.

Кеч кириши билан болалар уйга қайтади. Уларни яна ўша нева раларини қўлига кўтариб турган ота-оналар кутиб олишади.

ТОНГДАГИ ТЕЛЕФОН

Соат эрталабки тўрт. Ҳамма ширин уйқуда эди. Телефон жирингланди.

— Ҳотам, қайнатангман, Масковдан телефон қиляпман.

— Менинг қайнатам Тошкентда, сиз кимсиз, қаттиқроқ гапиринг, — дейди Ҳотам.

— Қайнатанг Ғуломман, Масков дарёсининг бўйидаги баланд «Россия» меҳмонхонасидан гапиряпман.

— Ие, ҳа, дада, Москвада нима қилиб юрибсиз, бизлар нега бехабар қолдик. Ўктам эрталаб телефонда гаплашган экан-ку, сиз билан.

— Онанг менга «Сизнинг бағрингиз тошдан. Носиржоннинг армияга кетганига бир йил бўлди, кўриб келай демайсиз, Москва қочиб кетибдими, 3 соатлик йўл деб боплади. Жаҳлимга чидолмадим. Тушликни Тошкентда қилиб, онанг айтганидек 3 соатда Масковга етиб келдим. Бу ерга келсам одамлар энди тушлик қилишяпти экан. Носирнинг командирлари билан танишдим. Мактов қоғозлари кўп экан. Айтгандай Ҳотам, анави 25 сўмлик заёмга юзсўм ютуқ чиқди, болаларингга нима олиб борай.

Кулгудан ўзини тутолмаётган куёв бир нима демоқчи эди. Қайната яна гапга тушиб кетди.

— Жуда баланддаман. Меҳмонхона чайқалаётганга ўхшайди. Москвани томоша қилиб бўлгандан кейин қайтаман, телефон қилиб турингглар, — деди-да, чол телефон номерини ҳам айтмай трубкани қўйиб қўйди.

Р. ИСҲОҚОВ.

РЕКЛАМА ✻ ЭЪЛОНЛАР

ПСКОВ ШАҲРИДАГИ
7-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ўрта маълумотга эга бўлган йигит ва қизларни 1983-84 ўқув йили учун
10 ОЙЛИК
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юртида қуйидаги мутахассисликларни эгаллашингиз мумкин: токарь-универсал, токарь-ярим автоматчи, фрезерчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарлар, газ-электр пайвандчи, электр машиналари ва аппаратларни йиғувчи слесарь, чарм-галантерея буюмларини тикувчи, кўтарма кранлар бошқарувчиси, чарм галантерея буюмларини бичувчи.

Ўқувчиларга ҳар ойда мунтазам 100 сўм миқдорида стипендия тўланади. Бундан ташқари, практика вақтида барча ўқувчилар ойлик маошининг учдан бир қисмини оладилар.

Ўқиш вақтида ва билим юртини тугатганларга яхши жиҳозланган ётоқхона, кейинроқ эса навбати билан квартира ажратилади.

Ўқиш муддати меҳнат стажига киритилади. Битирувчилар ўрта ва олий таълим муассасаларига кираётганларида ишлаб чиқарувчи сифатидаги имтиёздан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар бошқа ўқув муассасаларига медаль олганлар қатори қабул қилинадилар.

Билим юрти яхшигина спорт базаси, мажлислар зали ва кинозал, ошхонага эга. Бадиий ҳаваскорлик ва техника ижодкорлик тўгараклари ишлаб турибди. «Карнавал» номли вокал асбоблари ансамбли ва духовой оркестр ҳам бор.

Саломатлигини мустаҳкамлашга эҳтиёж сезувчилар Болтиқ бўйи ва Қора денгиз бўйларидаги санаторийларга юборилади лар.

Ҳужжатлар директор номига юборилади.
Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

Справкалар учун қабул комиссиясига қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 180019, Псков шаҳри, Труд кўчаси, 29-уй. (11 ва 22-автобусларнинг «7-ГПТУ» бекати). Телефонлар: 3-66-80, 3-76-70, 3-66-60.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг
ЭСТРАДА-ЦИРК САНЪАТИ СТУДИЯСИ
1983—84 ўқув йилига
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Студия концерт ташкилотлари ва цирк коллективлари учун қуйидаги бўлимлар бўйича эстрада ва цирк артистларини тайёрлайди:

ҚУШИҚЧИЛИК (эстрада қўшиқларининг ижрочилари ва вокал-чолғу ансамблларининг солистлари).

ЧОЛҒУ (флейта, скрипка, кларнет-саксофон, труба, тромбон, гитара, орган, фортепиано, ўзбек халқ ва зарбли чолғу асбоблари).

ЭСТРАДА РАҚСИ (варьете, мюзик-холл артистлари, эстрада рақсларининг ижрочилари).

НОТИҚЛИК (концерт программаларини олиб борувчилар).

ЦИРК САНЪАТИ.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ЙИЛ.

Танлаган ихтисослари бўйича конкурсдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар студиянинг «Силуэт» эстрада ансамбли, «Тантана» вокал-чолғу ансамбли, «Студия» жаз ансамбли, «Саҳнада цирк» спорт-цирк ансамбли, «Шарқ ритмлари» эстрада-рақс ансамбли коллективларига қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар 20 августгача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари — 20 августдан бошланади.
Студия адреси: Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 26-уй. Телефон 33-33-90.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг
ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра профессорлари: автотрактор деталлари, машина деталлари ва машина ҳамда механизмлар назарияси;

кафедра доцентлари: йўл машиналари ва ускуналари, ташиш, чизма геометрия ва графика, излаш ва йўлларни лойиҳалаш, йўл машиналаридан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш;

кафедра катта ўқитувчилари: рус тили, йўл машиналаридан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш, йўл машиналари ва ускуналар, йўл ҳаракатини ташкил этиш, автомобилда пассажирларни ташиш, амалий математика, сиёсий иқтисод, жисмоний тарбия, излаш ва йўлларни лойиҳалаш, автотранспорт экономикаси ва уни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби, химия;

кафедра ассистентлари: жисмоний тарбия ва спорт, кўприклар ва тоннеллар, бухгалтерия ҳисоби, қурилиш технологияси ва йўллардан фойдаланиш.

КОНКУРС МУДДАТИ — 3 сентябргача.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Карл Маркс кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими.

«Главсредазирсовхозстрой»
ИВАНОВО ОБЛАСТИДАГИ «ИВАНОВОИРСОВХОЗСТРОЙ» ТРЕСТИГА
бўёқчилар, сувақчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сантехниклар, электрчилар, электр газ пайвандловчилар, слесарлар, автокранчилар, экскаватор ва бульдозер машинистлари (3—6 квалификацияли разрядлилар), **шунингдек кўчма механизациялашган колонна бошлиқлари, бош инженерлари ва прорабларни лавозимларига инженер-техник ходимларни**
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР территориясидан ташқарига ишга юборилади ган кишиларнинг аввалги иш жойи бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг 50 проценти сақлаб қолинади ва республика доирасидаги доимий яшаш жойи бўйича уй-жой майдони банд этилади. Уй-жой майдони билан таъминлаш ўша жойда келишилган шартнома бўйича амалга оширилади.

Маълумотлар ва ишга йўлланмалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти, 5-уй, Кадрлар бошқармаси. Телефон: 41-20-14.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
10 август соат 19.30 да СССР биринчилиги учун олий лиганинг «ПАХТАКОР» (Тошкент) — **«ЗЕНИТ»** (Ленинград) **командалари ўртасида**
ФУТБОЛ

● СПОРТ ● СПОРТ ● ● СПОРТ ● СПОРТ

ФУТБОЛ

ТЎПЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР

Олий лига командаларининг учрашувлари мамлакат чемпионатининг ҳал қилувчи даврасида тобора қизиқарли ва кескин тус олмоқда. Юқори поғоналарни эгаллаб турган командалар ягона пешқадам бўлиб олишга, мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилишмоқда. Кучли олтиликни ташкил этиб турган коллективларнинг тўпланган очколари ўртасидаги фарқ бештадан ошмаётганлиги ҳам шундан далолатдир. Ҳар бир тур ўйинларидан кейин эса пешқадамлар ўрни ўзгариб турибди.

Кеча навбатдаги 25-тур учрашувлари бошланди. Қизиғи шундаки, юқори ўринларни эгаллаб турган етти команда учрашувларни ўз майдонида ўтказаркан. Демак, кучли коллективлар мавқеларини янада яхшилаб олишлари учун ўзига хос қулайлик вужудга келиб турибди. «Днепр» командаси тўқиз учрашувдан бери мағлубият нималигини билмай, очколар жамғармасини бойитмоқда. Днепропетровск футболчилари бугун «Металлист» коллективини қабул қилишади. Пойтахт спартакчилари ҳам фахрли ўринлардан бирига асосий даъвогарлардан. Лекин «Черноморец», «Шахтёр», «Жальгирис» коллективлари аввалгидек кўтаринки рухда ўйин кўрсата олмаяптилар. «Пахтакор» бугун Ленинграднинг «Зенит»и» футболчилари билан майдонга тушади. Маълумки, командамиз кетма-кет учинчи марта ўз майдонида ўйин ўтказмоқда. Аммо ҳозирча тўрт имкониятдан уч очко қўлга киритилди. Вакилларимиз бугунги ўйинда ҳам ғалабага эришиб, тутган ўринларини янада мустаҳкамласалар айни муддао бўларди. Зеро, футболчиларимиз келаси тур ўйинларида дам оладилар. Шунингдек шанба куни бўладиган «Спартак» — «Динамо» (Тб) учрашувига ҳам мухлислар катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Ўйинлар жадвалининг навбатдаги тур олдидан ҳолати қуйидагича:

	Ю	Д	М	Т	О
Днепр	13	5	5	41-24	31
Динамо Мн	13	5	5	36-22	31
Пахтакор	10	8	5	28-17	28
Черноморец	12	3	8	31-27	27
Спартак	10	7	5	37-17	27
Шахтёр	12	2	9	37-27	26
Жальгирис	9	8	6	22-24	26
Зенит	9	7	7	24-22	25
Торпедо М	8	7	7	22-24	23
ЦСКА	8	7	7	28-22	23
Динамо К	8	7	7	22-25	23
Металлист	8	5	9	28-31	21
Нефтчи	7	7	9	22-24	21
Арарат	8	3	12	20-33	19
Динамо Тб	7	4	12	32-34	18
Динамо М	4	8	10	15-24	16
Торпедо К	3	8	12	19-35	14
Нистру	3	3	17	13-45	9

ЎРИНЛАР ВА СОВРИНЛАР

✦ **ФУТБОЛ. Биринчи лига коллективлари ўртасида навбатдаги учрашувлар ўтказилди: «Локомотив» — «Ротор»— 1:2, «Днепр» — «Даугава» — 0:0, «Искра» — СКА «Карпати» — 0:2, «Текстильщик» — «Кубань» — 1:1, «Шинник» — «Таврия» — 3:1, «Факел» — «Металлург» — 1:0, «Динамо» — «Колос» — 0:1, «Кузбасс» — «Заря» — 0:2, СКА (Хб) — «Помир» — 0:0, «Қайрат» — «Звезда» — 2:0, СКА (Р) — «Гурия» — 3:0. Ҳозир Ростов-Дон армиячилари 35 очко билан пешқадамлик қилишмоқда. «Ротор» ва «Қайрат» коллективларида 33 тадан очко бор. Жиззахнинг «Звезда» командаси 18 та очко тўплаган.**

Табиат ва инсон

ЗИЙНАТ

Бу одамнинг номини кўпдан кўп жойларда ҳурмат билан тилга оладилар. Арслонбоблик ўқитувчи, табиат шайдоси Мадаминжон ака Убайдуллаев ҳақида мен Андижон ва Наманганнинг сўлим боғларида, Фарғона ва Қўқоннинг хушманзара сайлгоҳларида яхши-яхши гаплар эштитдим.

Арслонбобга саёҳат қилганлардан «Нималар ёдингизда қолди?» деб сўраб кўринг. Бири «мусаффо ҳавоси» дейди, иккинчиси «зилол сувлари, катта ва кичик шаршаралари» дея жавоб қайтаради. Учинчиси кўмкўк ўрмонзорлар, ёнғоқзорларнинг таърифини қилади. Тўртинчи ҳамсуҳбатимиз эса албатта, Мадаминжон аканинг номини тилга олади.

...Қуёш ҳозиргина лахча чўғ бўлиб, тўшида кўм-кўк арчазорлар ястаниб ётган чўққи ортига бош қўйди. Ўнгда баҳайбат ва сервиқор Бобош ота чўққиси кўзга ташланади. Киши руҳини енгиллаштирувчи салқин шабада худди ўша тоғлар қўйнидан, оппоқ қорлар бағридан елиб келаётгандай.

Биз қишлоқнинг баланд жойида, Мадаминжон ака ҳовлисидаги кенг сўрида ўтирибмиз. Қаердандир, туристик база томондан шўх музика садолари янграйди. Қорамтир осмонда йирик-йирик ёрқин юлдузлар чарақлаб кўрина бошлайди.

— Арслонбобни Ўрта Осиёнинг Швейцарияси дейишади, — Мадаминжон ака даврага бир-бир назар ташлаб қўяркан, ғурур билан қўшиб қўяди, — умуман олганда тўғри таъриф. Бундай иқлим, соф ҳаво, бой табиат шу ерда бор, холос. Бебаҳо ёнғоқзорлари-ю, олчазорлари эса — қўшимча.

Уй эгаси бир зум жим қолади-да, қоронғуда ҳайбатли кўринаётган чўққиларга, узоқдаги ўрмонларга нигоҳини боради.

— Арслонбобнинг ҳар бир тепалиги, харсанги, шарашарасида афсоналар яширинган...

— Нима ҳақда улар?

— Кўп нарсалар ҳақида.

Мадаминхон ака тимсолида икки қардош республика — Қирғизистон ва Ўзбекистон халқларининг дўстлиги ўз ифодасини топган. Арслонбоблик ёш табиат шайдоси қиринчи йилларнинг охирларида Фарғона ўқитувчилар тайёрлаш институтини, эллигинчи йилларнинг бошларида эса Наманган давлат педагогика институтини сиртдан тамомлади. У ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб етишди. Фарғона водийсидаги қишлоқларда ўқитувчилик қилди. Аммо тоғлар орасидаги сўлим қишлоғи ва унинг гўзал табиатига бўлган муҳаббат қалбида бир умр сақланиб қолди.

Арслонбобга қаердан меҳмон келмасин, Қирғизистонданми, Ўзбекистонданми, Тожикистонданми, қатъи назар, Мадаминжон ака уни албатта, уйига олиб келади. Кўпни кўрган, тилларда достон бўлган машҳур ёнғоқ дарахти остидаги кенг сўрида бир пиёла чой билан меҳмон қилади. Арслонбобнинг гўзал табиати, бағри кенг одамлари ҳақидаги ҳикояларини бирма-бир сўзлаб беради.

...Тоғ қишлоғига қоронғулик чўка бошлаган сари осмон юзидаги юлдузлар тобора ёрқинроқ чарақлаб жимирлайди. Пастда, чуқур дара қўйнида ҳайқириб оқаётган дарё шовқини ҳам ваҳимали роқ эшитилади қулоқларимизга.

— Бундан йигирма-ўттиз йиллар муқаддам Арслонбоб бутунлай бошқача эди, — дейди Мадаминжон ака хаёл суриб, — неча юз йиллар, минг йиллар аввал қандай бўлса, ўшандай эди. Кейин эса бу ер «ўзлаштирила» бошланди. Арслонбоб мана энди инсон учун хизмат қилаётир.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда Арслонбобда Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган пансионат, туристик базалар қурилди. Бу ерга ҳар йили Фарғона водийсидан, бошқа область ва ўлкалардан минглаб табиат шайдолари келишади.

— Биз меҳмонларни бағримизни очиб кутиб оламиз, — дейди Мадаминжон ака ва бош чайқайди, — лекин, минг афсус, баъзи «сайёҳ»лар олдига тўсиқ қўйишга тўғри келяпти. Чунки, улар табиат шайдолари эмас, балки табиат қўйнида вақти-хушлик қилиш, кўнгил ёзиш учун келадиган кишилардир. Улар фақат бир кунлик ўй-фикр билан яшайдилар, ўзларидан кейин ўрмон қўйнида ўчирилмаган гулханлар, талайгина шиша синиқларини қолдириб кетадилар. Ёш ниҳолларни синдирадилар. Умуман табиатга аёвсизларча муносабатда бўладилар. Шуниси ёмон...

Арслонбоб — тоғ қишлоғи. Одамлари ҳам барча тоғлиқларга ўхшаб очиқкўнгил, сахий, меҳрибон кишилар. Қишлоқ аҳолисининг энг яхши кўрган «эрмаги» — шахмат. Шахмат ишқибозлари ўртасидаги норасмий мусобақаларда ҳам Мадаминжон ака пешқадамлик қилади.

— Биз меҳмоннинг меҳмонлигини фақат бир нарсада тан олмаймиз, — дейди Мадаминжон ака, — у ҳам бўлса — шахматда.

Кулишамиз.

Мен қоронғулик қаърига чўмган тоғ қишлоғига Мадаминжон аканинг ҳикоялари таъсирида унинг нигоҳи билан, келажак кўзи билан қарай бошлайман. Ҳали вақти келиб анови икки тоғ ўркачи ўртасида осма йўллар барпо этилади. Сайёҳлар гўзал қишлоқ жамолига қушлар учадиган баландликдан назар ташлайдилар. Кўм-кўк ўрмонлар қўйнида эса кўпдан кўп санаторийлар, дам олиш уйлари қурилади.

Аммо ўшанда ҳам, аминманки, Мадаминжон аканинг уйидан меҳмонларнинг оёғи узилмайди. Чунки Арслонбобнинг энг соф ҳавоси кичик шаршара ёнидаги мана шу хонадон ҳовлисида, Арслонбоб ҳақидаги энг гўзал ҳикояларни ҳам шу ул эгасидан эшитиш мумкин, холос.

...Энди мендан ҳам «Арслонбобда нималар ёдингизда қолди?» деб сўрашса, албатта «кўм-кўк ўрмонлари» дейман, «зилол сувлари» дейман, «катта ва кичик шаршаралари» дейман. Сўнг, албатта, қўшиб қўяман:

— Сахий қалб, табиат шайдоси Мадаминжон ака ёдимда қолди.

Қодиржон СОБИРОВ.

«Совет Ўзбекистони» газетасининг навбатдаги сони 12 августда чиқади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевидение

10 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 10.40 — Бутуниттифоқ ва халқаро конкурслар лауреати Ю. Дранга чалади. 11.00 — Мультфильм. 11.10 — Саёҳатчилар клуби. 12.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Звездочёт. 16.50 — Мультфильм. 17.00 — Болалар учун фильм. 18.10 — Еттинчи соната. 18.30 — Горнчилар, қаердасиз. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультфильм. 19.50 — Сиз яратган боғ. 20.20 — Сароб. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.00 — Ядровий устунлик хом ҳаёли. 23.00 — Дунё воқеалари. 23.25 — Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.00 — Командир. Бадиий фильм. 2-серия. 11.15 — Некрасов лирикаси. 12.00 — Ота-оналар, Сизлар учун. 12.30 — Немис тили. 13.00 — Болалар учун фильм. 14.05 — Лев Толстой. 14.50 — Ҳужжатли фильм. 16.00 — Мордва тупроғи тароналари. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.05 — Можаевга дефицит. Спектакль. 20.00 — Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Командир. Бадиий фильм. 3-серия. 23.15 — Лапарлар, термалар, хонишлар.

ТОШКЕНТ-I. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 12.55 — Шашмақом. Фильм-концерт. 14.00 — Саҳна санъати усталари. 14.55 — Сиҳат-саломатлик. 18.30 — Тошкентнинг 2000 йиллигига. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Зенит». 21.15 — Телефильм. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачиликзарбдор фронт. 22.20 — Беайб. Бадиий фильм. 23.45 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.30 — Москва-II. 18.15 — Касблар ҳақида ҳикоялар. 18.45 — Телефильм. 19.15 — Классик куй саҳифалари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Москва таътиллари. Телеспектакль. 21.30 — Москва-II.

11 АВГУСТ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Сизга мазмур шеърлар. 10.10 — Биргаликда ҳаёл оламиз. 10.40 — Ҳужжатли фильмлар. 11.15 — Сароб. Бадиий фильм. 1-серия. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Н. С. Лесков. Ҳаёти ва ижоди. 17.10 — Шахмат мактаби. 17.40 — Концерт. 18.15 — Асли болаликдан. 19.00 — Расмларда қуёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Коллектив нимага қодир. 20.00 — Фильм-концерт. 20.20 — Сароб. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — 1983 йил қўшиқлари. 22.55 — Дунё воқеалари. 23.10 — Янгиликлар. Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильмлар. 10.00 — Командир. Бадиий фильм. 3-серия. 11.15 — Халқ куйлари. 11.30 — Горнчилар қаердасиз? 12.15 — Испан тили. 12.45 — Болалар учун фильм. 13.50 — Онамларнинг мактаби. 14.20 — Концерт. 14.45 — Мультфильм. 15.05 — Инсон. Ер Коинот. 15.50 — Қизил китоб нималар ҳақида ҳикоя қилади. 16.20 — 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Камалак. 19.30 — Ёдингдами ўрток... 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати. 21.30 — Время. 22.05 — Командир. Бадиий фильм. 4-серия. 23.10 — СССР халқ артисти А. Соловьяненко куйлайди.

ТОШКЕНТ-I. 12.35 — Светофор. 13.35 — Ҳужжатли фильм. 13.50 — Музикали постановка. 15.15 — Ҳайвон ўргатувчилар. Бадиий фильм. 18.25 — Ешлик. 19.00 — Осиё ва Африка ёзувчилари конференциясининг 25 йиллигига. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Маккажўхори: ҳам дон, ҳам озуқа. 20.00 — Турмуш ва маданият. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап. 22.20 — Қўрқувнинг давоси. Бадиий фильм. 23.50 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.25 МТ-II. 18.15 — Фанга йўл. Телевизион фильм. 18.45 — Она шаҳрим — Тошкентим. 19.15 — Инсон ва табиат. 19.45 — Очиқ денгизда. Телевизион фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўзбекистон. 20.30 — Москва таътиллари. 2-серия. 21.30 — МТ-II.

Радио

10 АВГУСТ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Коммунистик тарбиянинг муҳим зиноси. 11.25 — Концерт. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук замин. 19.25 — Рақс сюиталари. 20.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Зенит». 21.15 — Мен қишлоқда яшайман. 21.35 — Концерт. 22.30 — Талабларга биноан концерт. 23.15 — Сайқал.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент-П. Ленин кўчаси, 41.
ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 02067. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 183. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15